

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Ҳамраева Ирода

**Фуқаролик жамияти тизимида маҳалла институти
(1993-2013 йй.)(Андижон вилояти мисолида)**

Ихтисослик: 5А 120301 - “Ўзбекистон тарихи”

**Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди.
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси
мудири, доцент, тарих фанлари
номзоди М.АБДУЛЛАЕВ**

_____ “ _____ ” _____ 2014 йил

**Илмий раҳбар:
доцент, тарих фанлар
номзоди Э.Ю.ЮСУПОВ**

АНДИЖОН – 2014

МУНДАРИЖА :

Кириш.....	3-9
I БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ: КЕЧА ВА БУГУН	
1.1. Андижон маҳаллалари тарихидан.....	10-18
1.2. Ўзбек модели, худудий хусусиятлар ва демографик вазият.....	18-26
1.3. Ўзини ўзи бошқариш конституциявий ҳуқуқий моделининг яратилиши.....	26-40
II БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИЛИШИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ОМИЛИ	
2.1. Маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш марказига айлантирилиши.....	41-49
2.2. Тадбиркорлик, “Устоз-шогирд” ва оилавий бизнес.....	49-59
2.3. Маҳалла фуқаролари маданияти ва “Обод турмуш йили”.....	59-68
III БОБ. МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ МАСКАНИ	
3.1. Оила, маҳалла ва таълим тизимининг ёшлар тарбиясидаги ҳамкорлик механизми.....	69-76
3.2. Ёшлар тарбияси ва спорт ишлари.....	76-86
Хулоса.....	87-90
Фойдаланилган адабиётлар ва манбаълар рўйхати.....	91-97
Иловалар.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Маҳалла асрлар давомида шаклланиб, бизгача етиб келган фуқаролик жамиятининг ноёб институтларидан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида республикамизда маҳалланинг янада ривожланишига, унинг раванқ топишига, гуллаб-яшнашига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла институти – кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида фуқаролар ижтимоий фаоллигини таъминлаш, жамиятимиз маънавий негизларини

мустаҳкамлаш вазифаларини амалга оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. “Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий кадриятлар маскани бўлиб келади, - деб ёзади Президентимиз. - Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга мухтож кимсалар холидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, хашар ва маракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла мухитида шаклланган ва ривожланган”.¹

Давлат бошқарув идоралари ваколатларини ўзини ўзи бошқарув органларига ўтказиш жараёнида маҳалла идорасининг фаолият мазмуни, унинг ўрни ва аҳамиятини, ижтимоий сиёсат юритиш соҳасида орттирилган тажрибасини атрофлича илмий таҳлил этиш, тарихийлик ва узвийлик тамойилларига амал қилган ҳолда ёритиш, шубҳасиз тарихшунослигимиз олдида турган бугунги долзарб масалалар қаторига киради. Ўз навбатида, фуқаролар йиғинлари идораси фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Андижон вилояти мисолида тарихий тажриба асосида умумлаштириш ва ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Тарихшунослик таҳлили: Бугунги олий вазифа ватанимизнинг ҳар бир ҳудуди тарихига доир, айниқса унинг энг янги тарихига боғлиқ тажрибасини Манбалар асосида илмий ўрганиш, ёшларимизни тарих билан қуроллантириш, миллий ўзликни англашдан иборат. Бу эса муаммонинг долзарблигини изоҳлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” асарида мустақилликни қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилган чора-тадбирларнинг илмий-тарихий, қонуний замини ва омиллари ҳақида чуқур илмий таҳлилий тадқиқотлар ҳали етарли эмаслигини қайд этиб, бундай изланишларнинг тарихчилар учун долзарблиги ва аҳамиятини алоҳида таъкидлаган эди.²

Бу ўринда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик Кенгаши ташкил этилганлиги ҳам республика ва ҳудудларнинг мустақиллик даври тарихига доир масалаларнинг ўрганилишини ўта муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўймоқда.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг миллий маънавий кадриятларини тиклаш ва ривожлантириш тарихи бир мунча жиддий тадқиқ қилинган адабиётлар жумласига “Ўзбекистон тарихи” (“Миллий мустақиллик даври”) дарслигини киритиш мумкин. Муаллифлар Н.Жўраев, Т.Файзуллаев, Қ.Усмонов қаламига мансуб.

¹Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.– Б. 58.

²Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008, Б.4

Миллий тикланишнинг маданий-маънавий муаммолари ёритилган Ж.Туленов, З.Ғофуровларнинг асари¹ миллий кадриятларимизни тиклаш тарихий зарурат эканлиги, мустақилликнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий заминлари хусусида фикр-мулоҳазалар баён этилган. Ўз навбатида ўзбек халқи маънавий кадриятларини ёшлар онгига сингдиришга қаратилган қўлланма ва рисоалар яратилди.²

Ўрганилаётган муаммо юзасидан қатор илмий тадқиқотлар, рисоалар, мақолалар ва диссертациялар шаклида изланишлар олиб борилган бўлиб, уларни мавзуга алоқадорлик даражаси ва йўналишига кўра *иккита асосий гуруҳ*га бўлиш мумкин. Илмий таҳлилий адабиётларнинг *биринчи гуруҳ*ини мустақиллик йилларида вужудга келган шарт-шароитлар замирида амалга оширилган тадқиқотлар ташкил қилган. Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида ёзилган бир қатор ижтимоий-сиёсий муаммоларга оид рисоалар³ ва тадқиқотлар⁴ мавзуга анча яқиндир. Ю.Эргашева, А.Мавруловларнинг диссертациялари янгича концептуал ёндашувлар ва танқидий мушоҳадалар асосида ёзилган бўлиб, ижтимоий ҳаёт муаммоларига доир илмий хулосалари ва тавсиялари масаланинг моҳияти учун муҳимдир.

Республикамиз ижтимоий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар, унинг том маънода маънавий-маданий тикланиш майдонига айланганлиги И.Каримов асарлари, Ўзбекистоннинг янги тарихи рукнида нашр этилган “Мустақил Ўзбекистон тарихи” китобида⁵, таҳлил қилинган.

Фарғона водийси мисолида ўтиш даври ижтимоий-иқтисодий муаммолари, жамиятни янгилашда эришилган дастлабки ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар Ш.Раҳматуллаев томонидан бажарилган ишда тадқиқ қилинган.⁶

¹Туленов Ж., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- 253 б.

²Нишонова С. Маънавият дасрлари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Иброҳимов А. Султонов Ҳ. Жўраев Н. Ватан туйғуси.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Мусурмонова О. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Хамидов Х. Ўзбек аънавий қўшиқчилик ва ёшлар тарбияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари.-Тошкент, Ўқитувчи, 1997; Мустақиллик: изоҳ илмий –оммабоп луғат.-Тошкент, Шарқ, 1998

³Файзуллаев Т. Ўзбекистон янги йўлда. –Т.: Ўзбекистон, 1993. –Б.87.; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига – 50 йил. –Т.: Фан, 1993; Усмонов Қ, Ғаниев Д. Ўзбекистон: мустақиллик одимлари. –Т.: Ўзбекистон, 1995; Ахмедова Э, Саидаминова З. Ўзбекистон Республикаси (Қискача маълумотнома). –Т.: Ўзбекистон, 1995.

⁴Эргашева Ю.А. Культура Узбекистана: состояние, тенденции и проблемы развития. (50-60-е годы). Автореф. дисс... докт. ист. наук. Ташкент: ИИ АН РУз, 1998.-С.58; Маврулов А. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти: ҳолати, муаммолар, тараққиёт йўналишлари (70 йиллар ўрталари 90-йиллар): Тарих фанлари докт.илмий дар.олиш учун тақдим этилган дис.автореф. Тошкент: ЎЗР ФА ТИ,1993.-Б.40; Муминов А.Г. Национальная политика независимого Узбекистана и пути её реализации в духовно-культурной сфере. Автореф.дис.канд.полит.наук. -Ташкент, 1999

⁵Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000.- Б.366-495

⁶Раҳматуллаев Ш.М. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.): Автореф.дисс...канд.ист.наук. Ташкент: ИИ АН РУз, 2000.-С.33

Тарихшунослигимизда мавзу мавқеи, йўналишини белгилаб берган халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар материалларини¹ ҳам таъкидлаб ўтмоқ мақсадга мувофиқ. Зеро, анжуманлар материаллари айрим хулосаларни чиқаришда аҳамиятлидир.

Иккинчи гуруҳ адабиётлар туркумига Андижон вилояти, унинг шаҳар ва туманлари жумладан маҳаллалар тарихига алоқадор тадқиқотларни² киритиш мумкин. Уларда Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми сифатида мустақиллик йилларида Андижон вилоятида кечган туб ижтимоий-маданий ўзгаришлар, айниқса, маҳалла институти хусусидаги материалларнинг истифода қилиниши мавзу учун қимматлидир.

Эълон қилинган китоб-альбомларда ва бошқа нашрларда Андижонда жумладан ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан олиб борилган улкан ободончилик, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва оилавий бизнес соҳаларида амалга оширилаётган ишлар, миллий анъаналар ва қадриятларнинг маҳаллалар ҳаётида қарор топиши, халқ амалий санъатининг ривожини, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳасида эришилган ютуқларни тавсифловчи далил ва материаллар ўрин олган. Бундан ташқари С.Жалилов ва А.Комил, Ғ.Эшонов, А.Ўрмонов, Қ. Тошболтаев, Ш. Ҳайитохунов, А. Солиев, С. Раҳмонов, М. Нурматовларнинг қаламига мансуб нашрларда туманлар тарихи ёритилиб, маҳалла ҳаёти қисман бўлсада тилга олинган.

¹Ўзбекистон миллий таълим тизимини яратиш йўлида. –ТошДУ қошидаги Олий педагогика институти илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, МЧЖ “Ис-мак”, 1997, Б.245; Национальная программа по подготовке кадров: результаты и перспективы реформ. Материалы международной научно-практической конференции.-Ташкент, Молия, 2000, Б.162; Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона, 2009, -Б.415. [Масъул муҳаррир Ш.Исомиддинов, Б.Усмонов]; Фарғона водийси тарихи-муаммолари мавзуидаги республика илмий анжумани материаллари. –Наманган, 2012, Б.377

²Жалилов С., Шокаримов С. Андижон. (Маълумотнома, ўзбек, рус т.). –Андижон, 1993.-Б.39; Жалилов С. Юзта кишлоғу ўнта гузар таърифи (топонимик маълумотлар). – Андижон. Andijon nashryot-matbaa МСНУ, 2011; Жалилов С. Тарихимиз – виждонимиз. Андижон. Хаёт, 2013. 167 б; Набиев А., Хурилов Т. Бобур тавоф айлаган диёр. Тошкент, Мехнат, 1993.-Б.118; Шамсутдинов Р., Юсупов Э. Истиқлол ва тараккиёт йўлидан.-Андижон, 1993; Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар.-Т.: Шарқ, 2013. Б. 670. Гадоёбоев А. Халқ йўли - ҳақ йўл. Т.: Янги аср авлоди, 2004; О'рмонов А. Andijonim. Рисола,-Тошкент, 2001.-Б.150; Эшонов Ғ. Интилганга толе ёр.-Андижон: Andijon nashryoti, 2002 .-Б.122; Жаннатмакон Андижон: китоб-альбом (ўзбек,рус,инглиз т.) Т.: Ислом университети, 202, -Б.160; Андижон шоир ва ёзувчилари. Иккинчи китоб. (Баёз). –Андижон: Ҳаёт, 2004, -Б.292; Жалилов С., Комил А. Избоскан ва избосканликлар.-Тошкент: Vektor-press, 2007; Бугунги Андижон: Китоб-альбом (ўзбек,рус,инглиз т.) Тошкент, Ўзбекистон, 2006.-Б.184; Кўхна ва навқирон Андижон: китоб-альбом. Масъул муҳаррир проф.Т.Мадумаров.-Т.:Шарқ, 2010.-Б.160; Тожибоева О. Пахтаобод дурлари ёхуд тугуаш тақдирлар. Т.: -Фан, 2009. – 250 б; Қамчиев Т., Қўзибоев Ғ.Чўлнинг олтин зарварақлари. Фарғона политехника институти босмахонаси, 1994. – 52 б; Асқаров А. Сиза. Т.: Муҳаррир. – 2013. – 24 б; Охунов Н. Жой номлари таъбири. Т.: Ўзбекистон, 1994. -86 б; Ўринбоев А. Найнов кишлоғи. Андижон, 2000. – 48 б; Тошболтаев Қ. Марҳамат. Т.: Мехнат, 1991. – 100 б; Ҳайитохунов Ш., Абдуллаев П. Жалолқудук. Андижон, 1996. – 60 б; Маҳмамов Қ., Солиева А. Олтин қўлим. Андижон. Хаёт, 2005. – 36 б; Тошболтаев Қ. Марҳамат: кишлоқларимиз ҳаётидан баҳс. А.: Андижон, 2007. – 200 б. Солиев А. Избоскан тарихи. Т.: Ўзбекистон, - 1993. 112 б; Раҳмонов С. Асака. Т.: Ўзбекистон, 1999. 95 б; Баратов Ў. Барҳаёт хотиралар. Андижон, 2012. – 40 б; Рахимов А. Қайрағочарик кишлоғи. Т.: - Камолот, 2000. – 78 б; Нурматов М. Бўтакора кишлоғи. А.: Андижон нашрёт матбаа МЧЖ, 2012. – 78 б.

Шундай қилиб, мавзунинг ўрганилиш даражаси таҳлилидан маълум бўлмоқдаки, тадқиқ қилинаётган мавзунинг 1993-2013 йиллар даври тарихшунослик йўналишида илмий-назарий жиҳатдан кенг қўламда ўрганилмаган. Ўзини ўзи бошқариш органлари (махаллалар) ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар хусусида умумлаштирилган тарихий-илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Шу жиҳатдан ҳам мавзу доирасида тарихий йўналишда ислохотлар ва янгиланиш жараёнларини тадқиқ этиш ва тўпланган тажрибаларни умумлаштириш ҳамда илмий хулосалар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсад ва вазифалари: Мустақиллик йилларида тарих фанида шаклланган янгича тафаккур нуқтаи назаридан маҳалла институти фаолиятини Андижон фуқаролар йиғинлари мисолида таҳлил этиш, унинг тарихий эволюцияси ва замонавий ривожланиши муаммоларини ўрганиш ҳамда умумлаштириш диссертациянинг асосий мақсади қилиб олинди. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ маҳалла идорасининг ижтимоий сиёсат, маънавият ва маърифат жабҳаларидаги фаолиятини ёритиш;
- шаҳарсозлик тизимида Андижон шаҳар маҳалла, гузар ва даҳаларининг тарихий эволюциясини ўрганиш;
- мустақиллик йиллари ва унинг арафасида Андижон маҳаллаларидаги демографик жараёнларга эътибор қаратиш;
- фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатиши учун яратилган ҳуқуқий-ташкилий, моддий-техника шарт-шароитларни ўрганиш;
- фуқаролик идорасининг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес, хўжалик ва маданий қурилиш, оила, маҳалла таълим тизимининг ҳамкорлик механизми ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишларни тадқиқ этиш;
- “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан маҳаллалар иштирокини ўрганиш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳоли бандлиги юзасидан маҳаллаларда амалга оширилаётган тадбирларни таҳлил қилиш;
- маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар берилиши жараёнини очиқ бериш;

- тадқиқ натижаларидан келиб чиққан ҳолда назарий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Тадқиқот объекти ва предмети: 1993-2013 йиллар мобайнида Андижон вилояти мисолида маҳалла институти фаолияти тадқиқот объекти сифатида белгиланди. Маҳалла институтининг шаклланиши, тадрижий жараёнлар ва истиқболини изчил ўрганиш ва таҳлил қилиш тадқиқот предмети қилиб олинди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари: Мавзуни ёритиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, инсон, маҳалла омиллари билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари, нутқ ва маърузалари, мамлакатимиз тарихини ҳаққоний ўрганиш, бу ўринда, тарихийлик, холислик, узвийлик тамойилларига асосий эътибор қаратилди. Илмий изланиш олиб боришнинг объективлик-холислик, ижтимоий-тарихий воқеа-ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланишидаги ўзаро алоқадорлик, инсонпарварлик ғояларига ҳамда миллий истиқлол ғоясига асосланади. Муаммони тадқиқ қилиш жараёнида маҳалла омилини тарихийлик, илмийлик, мантиқий кетма-кетлик тамойиллари асосида кўриб чиқишга, тарихий ўзгаришлар характерини ҳозирги замон тарих фани контекстида очиқ беришга асосий эътибор қаратилди.

Ишнинг илмий янгилиги: Тадқиқот мавзуси янгича қарашлар ва миллий истиқлол ғояси асосида тадқиқ этилиб, илмий-назарий хулосалар архив ҳужжатлари ва манбаларни ўрганиш асосида чиқарилди. Ишнинг янгилиги мавзунинг долзарблигидан келиб чиқиб, масаланинг манбаъларга асосланган ҳолда илмий ўрганилишида бўлиб, қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- маҳалла институти фаолияти билан боғлиқ маълумотлар илк бор илмий муомалага киритилади;
- фуқаролик жамияти билан боғлиқ ўзгаришларнинг маҳалла институтида акс этиши таҳлил қилинади;
- маҳалла институти фаолияти аниқ материаллар асосида ўрганилади;
- маҳалла институти фаолиятининг асосий соҳа-йўналишлари ёритилиб, улар юзасидан таклиф ва мулоҳазалар берилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, илмий ишдан фуқаролик жамиятини ривожлантириш билан боғлиқ тарихий жараёнларни ўрганувчи мутахассис ходимлар таълим тизимида тарих, ижтимоий фанлардан ўқув - услубий қўлланмаларни тайёрлашда, махсус курсларда қўшимча манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

Иш тузилиши ва таркиби: Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 98 бетни ташкил этади.

I БОБ. ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ: КЕЧА ВА БУГУН

1.1. Андижон маҳаллалари тарихидан.

“Маҳалла” атамаси арабча бўлиб, *жой-ўрин-макон, ҳудуд, гузар, кенгаиш* маъносини англатади.¹ Маҳалла турли минтақаларда *жамоа, маҳаллот* ёки *қўшин* маъноларида қўлланилган. “Бобурнома”да Андижондаги *“қальанинг гирдо-гирди тамом маҳаллоттур”*,² - дейилганда “маҳаллот” “жой” маъносида ишлатилган,³ Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёхатномасида эса “маҳалла” атамаси ҳарбий қароргоҳ сифатида тилга олинган.⁴

Маҳаллалар ҳудудий ва маъмурий жиҳатдан шаҳарнинг алоҳида ажралиб турадиган қисми – *дахаларга* бирлашган. Даҳа истилоҳи шаҳарнинг ўн маҳалласини ўз ичига олган қисмини англатган. Давр ўтиши билан маҳаллалар сони ортиб борган бўлсада, “даха” маъмурий бирлик, сифатида истеъмолда қолаверган.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида маҳалла институтига муайян ижтимоий-маъмурий ҳуқуқлар берилиб, унинг жамиятда тугган мавқе-мартабаси ортади. Бир маҳалла ичида ўнбоши, маҳаллада эллиқбоши, бир-икки маҳаллада юзбоши, даҳаларда эса амин, бир неча даҳа ўртасида эса мингбошилар сайлаб қўйиладиган бўлди

Тарихчи олимлар С.Жалилов ҳамда Р.Шамсутдинов, А.Исҳоқовларнинг Андижон тарихига бағишланган тадқиқотларида⁵ мавзуга оид муҳим маълумотлар келтирилган.

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, 2006. – Б.

²“жосус”...лардан бири Чингиз амирларидан бирининг қўшини (маҳалла) орасига гадой сифатида кириб олган.

³Қальанинг атроф-айланаси тамоман маҳаллалар билан қуршалган.

⁴Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёхати. Тошкент, 1993. –Б. 65, 92.

⁵Жалилов С. Андижон. Тарихий – ўлкашунослик очерки. Тошкент: Ўзбекистон, 1989. Б. 78-79; Шамсутдинов Р.Т., Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар. –Т.: Sharq, 2013. Б. 523-524.

Шаҳарда иккита даҳа бўлиб, Қирлиқ даҳасига 25 та маҳалла қараган.^{***} Уйлуқ даҳаси 18 та маҳалладан иборат бўлган.^{****}

Даҳалар мингбоши, маҳаллалар – юзбоши, мустамлака даврида эса оқсоқоллар томонидан идора этилган.¹

Шаҳар маҳаллалари ва даҳалари давр тақозоси билан, баъзан бир пайтнинг ўзида ҳам бир неча номда аталиб келган. Маҳалла тепасида сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар турган. Ҳар бир маҳалланинг ўз масжиди, гузари, чойхонаси бўлиб унда маҳалла эркаклари дам олиб, жамоа ишларини муҳокама қилганлар.

Маҳаллалар номи шаҳарнинг ўтмиши, тарихий даврнинг аломатлари (*Ўрда, Ўрда таги, Арк ичи*), касб-хунар ёки этник белги (*Темирчи, Заргарлик, Ширмонпазлик, Читгарлик, Кўнчилик, Тоғжик, Сарой, Найман*), баъзилари табиий географик ландшафт белгиларини ўзида акс эттирувчи (*Чуқурмачит, Қўшариқ, Майдон, Тошхўвуз, Қатортерак, Тахтақўприк, Искандар мазор*) топонимлардир. Айти пайтда Андижон маҳаллалари шахслар номи билан аталиб келинган: *Бобо Саъдиддин, Бобо Таваккул, Миртўстин Бобо, Дувахон, Шарифбойгузари, Собирхонтўра, Маҳмудхонтўра, Ёқубсаркор* ва б.

Андижоннинг тарихий демографиясига назар солганимизда, XIX аср охири – XX бошларида шаҳарда аҳоли ўсиши кучли бўлиб, йил сайин кўпайиб борган. 1888 йилда 31 931 киши яшаган бўлса, 1914 йилга келиб бу кўрсаткич 86 741га етган. Шаҳар вужудга келаётган янги маҳаллалар ҳисобига кенгайган. Жумладан, даҳаларнинг сони 2 тадан 5 тага, маҳаллалар сони 43тадан 107га ўсган.

Уйлуқ даҳасида: *Темирчи, Мадали Қози, Қора Мулла, Эскиғўза бозор, Дувахон, Қўйбозори, Мадрўсим амин, Ёқубали ҳожжи, Эски каппон, Арк ичи, Сарвонтена, Сарой кўча, Тупроқхона, Шарифбойгузар, Эскиотбозори, Шолдирама, Журғун, Искандар мазор, Қўштена, Ҳакимбек, Уразонтена, Найзақайрағоч, Умарбек, Девонабой, Девонбек, Беиқайрағоч, Уйлуқ, Қуватхожи, Жалабек, Ахмад Ҳожжи, Оқ масжид, Янги маҳалла, Тахта кўприк, Бобо Саъдиддин, Рўзаохунбой, Тутан маҳалла, Тегирмонтош, Қатортерак, Эскон кўча, Оқ гузари, Эскилик;*

Олойлик даҳасига: *Такабой, Қум кўча, Чанғалиқ, Яланғочқўрғон, Чоргузар, Дўх, Ёқубсаркор, Ҳожжи маҳалла, Оқилхонтўра, Давронбек;*

^{***} Абдулҳоликбек маҳалла, Орзикулбек, Аълам, Арава бозор, Олача боб, Оқ мачит, Бақақуриллоқ, Бўра, Дарвоза оғзи, Девонабой, Майдон, Маҳмудхон кози, Кўтак тегирмон, Қаландархона, Қора бугра, Тош мазор, Тахтақўприк, Шиғовул, Худоёрқози, Ўрда, Чинортаги, Чувалачи, Чўхроқ, Юмалоқ мазор.

^{****} Ойшахоним, Бордон бозор, Ботирхўжа, Дурвахон (Дувахон) мачит, Биринчи найза қайрағоч, Иккинчи найза қайрағоч, Учинчи найза қайрағоч, Рустам кози, Ўрда таги, Сарвон тепа, Сарой кўча, Қозабог хўжа, Қўштена, Шолдирама, Ҳакимбек, Чуқур мачит, Эски каппон.

¹Бартольд В.В. Сочинения. Том II, част первая. –М.: 1963. Стр. 366-367.

Олойликсой даҳаси: *Давронбек, Кўчактегирмон, Тоғжик, Тошҳовуз, Қорақўрғон, Кўқариқ мазор, Оқёр, Зулумбек, Эски кўнчилик, Собирхонтўра, Ирисқулбек, Ёрмат қайрағоч, Дорезлик, Бобо Тавақкул, Чордона, Чуқур кўча, Чекмозор, Гумбаз, Кўтарма, Тўқмоқ, Қорабура;*

Қирлик даҳаси: *Ақробод, Яқаниайх, Арава бозори, Айшахоним, Қодирқулбек, Тошлон, Маджиддин, Полосон, Тошкентлик, Қаландархона, Аълан домла, Хайдар Алибек, Гумбаз, Яккатол, Кичикгумбаз;*

Сой-қирлик даҳаси: *Тошқалин, Чохрак, Эски арава бозор, Чувалачи, Оқ мачит, Хўжа Рушиной, Девонабой, Бурги, Янгибозор, Кўрнабозори, Худоёрхонқози, Маҳмудхонтўра, Қорабура, Майдон, Дарвозаогзи, Орзиқулбек, Юмалоқ мазор, Абдулазиз Махсим, Чинортаги, Баққуриллоқ маҳаллаларидан иборат бўлган.*

Андижон тарихининг билимдони С. Жалиловнинг “Юзта қишлоғу ўнта гузар таърифи” тадқиқотида шаҳар маҳаллалари ўрта асрлардан бошлаб маъмурий-территориал жиҳатдан тўрт даҳага бўлинганлиги ҳақида маълумотлар келтирган. Биринчи-"Сой даҳа", иккинчи-"Қирлик даҳа", учинчи-"Ўйлик даҳа", тўртинчи-"Олайлик даҳа". Ҳар бир даҳанинг даҳабошиси-амини бўлиб, улар мингбошилар орқали шаҳар ҳокимига бўйсунарди.¹

СОЙ ДАҲА - Андижон сойининг ўнг қирғоғидаги маҳаллалар, шарқда ҳозирги Қаландархона, жануби-шарқда Тахта кўприк, жануби-ғарбда эса Девонабой масжиди ва ғарбда Қорабура маҳалласи билан чегарадош бўлиб, шаҳарнинг энг катта ва энг гавжум даҳаси ҳисобланган. Бир қанча хинд савдогарларининг дўконлари ҳам Сой даҳа қарамоғида жойлашган эди. Машҳур ёзувчимиз Комил Яшин "Ёднома"сида эслашича, хиндларнинг дўконлари ҳозирги Жомъе мадрасаси рўпарасида бўлган.²

ҚИРЛИК ДАҲА - Қаландархона билан, шимоли ҳозирги ("Кўчқорлик мазор" қабристонини, ҳозирги темир йўл чегараси), жануби-ғарбий чегараси "Эскилик" маҳалласи билан, жанубий томони "Эйвойбува" маҳалла ҳудуди билан чегараланган. Аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланган. Шаҳарликларнинг ушбу даҳада ёзлик ҳовли-жойлари бўлганлиги сабабли унинг номи "Экин-тикин" ҳам деб аталган.

ЎЙЛИК ДАҲАСИга шаҳарнинг асосан ғарб томони қараган. Унинг шарқ томони "Девонабой" маҳалласи билан, шимоли Қорабура, жануби ҳозирги Темирчилик растасига

¹Қаранг: Жалилов С. Юзта қишлоғу ўнта гузар таърифи (топонимик маълумотлар). – Андижон. Andijon nashryot-matbaa MCHJ, 2011. Б.

²Қаранг: Комил Яшин. Ёднома. –Тошкент, 1989. Б.26.

ёндош, ғарб томони эса ҳозирги "Ойшахоним" маҳалласи билан чегарадош бўлган. Ўйлик даҳаси ҳам асосан хунармандчилик маҳаллаларини бирлаштирган.¹

ОЛАЙЛИК ДАҲАСИ - шаҳарнинг асосан жанубий қисми ушбу даҳага тобе бўлган. Тахминан бугунги Навоий номли маданий-истироҳат боғининг ўрни ва шарқда "Оқгўр маҳалла" атрофлари, қадимги "Шахлогузар" ва "Мавлоно шайх Ҳусайн" маҳалласи, ғарбда "Тупроқхона" ва "Остонагузар"гача бўлган.

Шаҳарни маҳаллалар чорраҳаларида ташкил топган обод ва гавжум гузарларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Гузар" форс тилида "ўтиш жойи" маъносини англатади. Маҳаллалар аҳолиси гузарлар воситаси билан ўзига хос анъанавий гурунг - жамоаларга бирлашар эдилар. Гузарлардан кўпинча катта ариқлар оқиб ўтарди. Ариқ бўйида турли баққоллик (чакана савдо) дўконлари ҳамда чойхона ва албатта - тегирмон бўлган.

Сойгузар. XVI аср бошларида Шайбонийлар томонидан бугун Фарғона водийси эгаллангач, кўчманчи ўзбеклар келиб ўтроқлаша бошлади. Оқбўра дарёси қирғоқларида ҳам суғорма деҳқончилик ривожланган. XVIII асрга келиб бевосита Қорадарёдан Андижон сойи қовланган. Соининг ишга тушган довони билан боғлиқдир. Янги гузар "Сойгузар" деб номланиб шаҳарнинг энг обод ва катта гузарига айланган.

Умарбек гузари. Қўқон хонларидан Умархон (1810-1822 й.). Хонликка кўтарилмасдан илгари у Умарбек деб аталган ва бўлажак ҳукмдорни Андижон шаҳар ҳокими, Раҳмонқул додхо қизи Моҳлар ойимга уйлантиришган. Шу қилиб Раҳмонқул додхо ҳовлиси жойлашган маҳалла кейинчалик ободлашиб куёв номига "Умарбек гузари" дея аталган.

Орзикулбек гузари. Шаҳарнинг Чувалачи, Дарвоза оғзи ва Майдон маҳаллалари ўртасидаги гузар, илгари шу номли маҳалла ҳам бор эди. Хўш, Орзикулбек ким бўлган? С.Жалилов маълумотларига кўра², сўнгги Қўқон хони Худоёрхоннинг катта ўғли Насриддинбек Андижон ҳокими этиб тайинланганида (1874-1876 йил боши) Орзикулбек унинг энг яқин кишиларидан бўлган.

1876 йил, 18 январ тунида бу хоин ўзаро шахсий келишувга биноан генерал-лейтенант Терентьев рус кўшинларини Экин-тикин қишлоғи орқали Эски шаҳарга олиб кирган. Архив ҳужжатларининг хабар беришича, Орзикулбек шаҳарни ишғол этишда кўрсатган хизматлари учун "Муқаддас Анна" ордени билан мукофотланган ва унга катта нафақа тайинланган.

¹Жалилов С. Юзта қишлоғу ўнта гузар таърифи (топономик маълумотлар). – Андижон. Andijon nashryotmatbaa MSHJ, 2011. Б.11.

²Ўша асар, Б.16 -17.

Чор ҳукумати Орзиқулбекка ўзи турган маҳаллада тегирмон, чойхона ва меҳмонхона қуриб фойдаланишга ҳам рухсат берган. Шу тарзда "Орзиқулбек гузари"га асос солинган. Унинг ва укаси Обоқулбек авлодлари XX аср 80-йилларигача ҳаёт бўлишган.¹

Остонагузар. Ушбу гузар шаҳарнинг ғарбий чегарасига яқин жойда бўлиб Андижонга Марғилон ва Қўқон томондан келишда йўл устидаги биринчи гузар бўлган, шунинг учун ҳам "Остонагузар" деб номланган.

Чоргузар. Ушбу гузар ҳозиргача ҳам сақланиб қолган. "Пиёнбозор" томон очилган янги кўча Чор гузарни қирқиб, Азимхожи номли (ҳозирги "Навоий") кўчасидан Остонагузар томон жанубга йўналган кўча билан кесишган (шунинг учун ҳам "Чор гузар" номини олган).

Чувалачи гузар. Манбаларда "Жубалажи". Гузар Андижоннинг шимоли ва шарқидаги қишлоқларнинг шаҳарга қираверишидаги катта йўл устида жойлашгани сабаб анчагина обод гузарлардан бўлган. Гузарда қатор баққоллик дўконлари, "икки тошли" катта тегирмон ва ариқ бўйида чойхона бўлиб, қишлоқлардан келган аравалар тўхтаб отларини суғоришиб ўтишар эди.

Қорабура гузари. Андижоннинг ғарбидаги гузарларидан бири. Ушбу гузар илгари ҳам, XX асрнинг биринчи ярмида ҳам анча обод бўлган, қатор баққоллик дўконлари ишлаб турган.

Шарифбой гузари. Шарифбой гузари шаҳарнинг эски марказига яқин жойлашган қадимий гузарлардан. Текширишлар кўра, Шарифбой (ёки Шарифбек) андижонлик бадавлат бойлардан бири бўлган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, ватанимизда маҳалла қадимдан фаолият кўрсатиб келади. Лекин собиқ иттифоқ даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай издан чиқди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотди, уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф-одатлар, одоб-ахлоқ меёрларини ташвиқот қилиш, оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда "кўз-қулоқ" бўлиб туриш қабилардан иборат бўлиб келди.

Собиқ иттифоқ даврида қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди. Узоқ йиллар маҳалла тарихи ва сотсиолагиясини тадқиқ этган Л.Левитин ва Д.Карлайл "Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти" номли китобида қуйидагиларни ёзади: "Оила ва дўст – ёронлар

¹Ўша асар, Б.17.

махалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. У шахсий муносабатлар тамал тоши ҳисобланади. Улар “сулола” деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармақ тузилмасини яратди. Яқинлик муносабатларига асосланган ва насл-насаб принциплари билан метинлашган маҳалла ўзбеклар дунёга келадиган, тарбияланадиган ва ўзининг бутун ҳаётини ўтказадиган жой ҳисобланади. Дўстлик барқарор тушунча бўлган маҳаллада мойиллик сингдирилган бўлади. Ҳамма маҳалла теварагида парвона бўлар, шахсий садоқат бутун шаҳар бўйлаб тарқалар, баъзан эса бутун минтақани қамраб олади. Бундай шароитда кимнингдир тажрибаси шахсий мулоқотлар доирасидан, тасарруфидан ташқарига ҳам зудлик билан тарқалиб кетади. Шахс ҳар қандай масофадан туриб сулола аъзоларнинг никоҳ тантаналарида, маросимларда қатнашиш мумкин. Ранг- баранг оилавий –қариндошлилик алоқаларининг маҳалладан ташқарида ҳам кундалик турмушда тоши бор, лекин улар маҳалланики сингари тош боса олмайди.”¹

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислохотлар, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнларидан маълум бўладиги, эски тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш тадрижий ҳарактерга эга бўлиб, бу йўлдаги қийинчиликларни енгиш фуқароларнинг фаол ва кенг иштирокини талаб этади. Айниқса, эски шакланган халқ менталитети ва дунёқарашида янги жамиятга хос ўзгаришларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятига хос мезонлар ва кадриятларни фуқаролар онгига сингдириш бу соҳадаги энг сермеҳнат ва машаққатли жараёнлар сирасига киради.

Ўтиш давридаги ислохотларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини замонавийлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган жараёнлари ҳам миллий ўзликни англаш, илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўзига хос йўللарни кашф этиш каби қатор изланишлар самараси ўлароқ тобора кенгроқ турмуш тарзимизга сингиб бормоқда. Бу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришда давлатнинг бош ислохотчи сифатида амалга оширган чора-тадбирлари туфайли ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институтга айланиб бормоқда.

Президент Ислон Каримов “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари” номли китобида ўзини-ўзи бошқариш органлари учун ўта муҳим бўлган демократик қонидани келтиради: “Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок

¹ Левитин Л., Карлайл Д. Ислон Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 42–43 б.

этишидир”¹. Демак, бундан кўринадики, давлатнинг демократлашуви ва унинг ҳуқуқий давлат мақомига эришуви кўп жиҳатлардан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш ишларида кенг иштирок этишга бўғлиқ экан. Шунингдек, демократия – фуқароларни қарорлар қабул қилишда тенглик бўлишини ва унда доимо озчилик ҳуқуқларин ҳимоя қилишни назарда тутиб, кўпчилик овози ҳуқуқий асосда қарорлар қабул қилинадиган ўзини-ўзи бошқарувчи тизимдир.

Ўзининг соф шаклида демократия жамият, фуқароларга қарор чиқариш жараёнида бевосита иштирок этишга ишониб, имкониятлар яратиб беради. Бу бевосита демократия деб аталади. Аммо демократик жамиятларнинг катталиги ва мураккаблигини эътиборга олиб, фуқаролар кўп ҳолларда ўз номларидан ҳукмронлик қилувчи ва қарор қабул қилувчи вакилларни сайлашлари таомил тусини олгани учун вакиллик демократияси яратилиб, у доимий равишда ўтказиладиган, эркин, ҳаққоний ва рақобатбардошлик асосидаги сайловларга таянади. Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги сайланувчи раҳбар органлар (айниқса, маслаҳатчилар кенгаши) вакиллик органлари асосини ташкил этади.

Истиқлол йилларида Андижон маҳаллаларида жами 721 та замонавий жиҳозланган маҳалла гузари бунёд этилди. Улар маҳалла ҳаётида муҳим ўринга эгадир. Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини таъминлашда ҳам уларнинг хизмати каттадир.

Гузарларда учрашувлар, кундалик тадбирлар, жонли суҳбатлар, шахмат ва шашка мусобақалари, кунинг долзарб масалалари бўйича фикр алмашувлар, шеърхонлик ва китобхонлик, санъат кечалари ўтказилмоқда. Бу ўринда Андижон шаҳридаги Мирпўстин, “Шўрбулоқ”, Андижон туманининг “Шарқ юлдузи”, Чўлпон, Булоқбоши туманидаги “Ширмонбулоқ”, Асака шаҳридаги “Дўстлик”, Олтинқўл туманидаги Қайирма маҳаллалари гузарлари, замонавий биноси, маҳаллаларининг саранжом-саришпалиги, фуқароларнинг аҳиллиги ва фаоллиги, ўз фаолияти билан ўзгаларга ибрат бўлмоқда

1.2. Ўзбек модели, ҳудудий хусусиятлар ва демографик вазият

Мустақилликка эришган Ўзбекистон раҳбарияти ва бутун жамият олдига Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг миллий моделини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

¹ Каримов И. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 181.

Президент Ислам Каримов мураккаб иқтисодий ва сиёсий шароитда Ўзбекистоннинг ўз имкониятлари, шароитларини сарҳисоб қилган ҳолда республика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш принципларини ишлаб чиқди. Ва у кейинчалик жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилиб, Ўзбек модели номини олди. Ушбу моделнинг асосий принциплари, уни амалга ошириш йўллари, босқичлари республика Президенти ишлаб чиққан ва илмий асосланган машҳур беш принципда ўз аксини топди.¹

Мазкур принциплар Ўзбек моделининг таркибий қисми бўлиб, биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтишдаги умумий қонуниятларни, иккинчидан эса Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитлари ва миллий хусусиятларини ўзида мужассам этган.

Биринчиси - иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устунлигини таъминлаш. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун пойдевор вазифасини ўташини, яъни Ўзбекистонда иқтисодиёт ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлишини англатади.

Иккинчи принцип - давлат бош ислохотчи бўлиши лозим. Давлат ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, уларни амалга ошириш йўлини ишлаб чиқиши ва унга изчиллик билан риоя этиши шарт.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига тартибли равишда ўтиш, маданий рақобатнинг бўлиши, шериклик алоқалари, **оммавий фаровонлик** каби белгиларга хос бўлиши керакки, уларни давлатнинг ишгиросиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистонда давлат иқтисодий воситалар ёрдамида шахсий ва жамоат манфаатларини умуммиллий манфаатлар билан уйғунлаштирадиган кучга айланди. Давлатнинг бош ислохотчи бўлиши ислохотлар дастурларининг давлат томонидан кенг жамоатчилик ишгиросида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини билдиради.

Учинчи принцип – қонунларнинг ва уларга риоя қилишнинг устуворлиги. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини ҳеч қандай истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга сўзсиз риоя қилиши лозим. Бу принципга кўра, қонунлар – сиёсий ҳокимиятни таъминловчи куч, улар жамият аъзоларини юридик қонунларга бўйсундирувчи механизм сифатида қаралади.

Тўртинчи принцип - фаол ижтимоий сиёсат. Ўзбекистонда бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолининг демографик аҳолини ҳисобга олган ҳолда уни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўриш лозим бўлади. Бу принцип иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг диалектик алоқадорлигига таянган ҳолда

¹Каримов И. А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т. Ўзбекистон, 1996. - Б.

ижтимоий сиёсат зарурлигини асослайди. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ижтимоий соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаши зарур. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели бозор иқтисодиётидаги ижтимоий йўналтирилган, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган бозор хўжалиги бўлишини англатади. Шу мақсад йўлида юритиладиган кучли ижтимоий сиёсат жамиятдаги ижтимоий тотувликни, аҳоли қатламлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашни билдиради.

Бешинчи принцип – бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш. Бу принцип Ўзбекистон моделининг тамал тоши, унинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади. Бу ўтиш даври бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узок давр эканлигини билдиради.

Мазкур принципга биноан ислохотлар тадрижий йўл билан, улар мустабид режали иқтисоддан секин-аста бозор тизимига ўтишини, аммо бу талафотсиз, ларзаларсиз бўлишини билдиради. Ислохотлар шароит ҳозирланишига қараб кетма-кет ўтказилади. Секин-асталик ва эҳтиёткорлик қоидаси «шокотерапия» принципини инкор этади. Бу Ўзбекистоннинг янги тузумга, бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос миллий йўли эди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ишлаб чиққан миллий модели ўзига хос бўлиб, унда бозор иқтисодиётининг маълум бир тури ёки муайян бир давлат йўли тўғридан-тўғри кўчириб олингани йўқ. Уни танлашда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий шароити ва салоҳиятидан, халқимизнинг тарихи, миллий урф-одатлари, диний эътиқодидан келиб чиқилди. Бунда кўплаб ривожланган давлатлар тажрибаси пухта ўрганилди ва инобатга олинди.

Миллий моделда нафақат Ўзбекистонни, балки унинг барча вилоятлари, ҳатто ҳар бир шаҳар ва қишлоқларининг ҳам ўзига хос жиҳатлари, миллий, маҳаллий анъана ва урф-одатлари, ишлаб-чиқариш воситалари ва усуллари ҳар томонлама эътиборга олинган. Чунки Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди, вилоятлари, шаҳарлари ягона бир миллий давлат тасарруфида бўлса-да, улар бир-биридан ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва демографик соҳалардаги маҳаллий хусусиятлари билан ажралиб туради.

Шу боис туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида республика ҳар бир минтақасининг ўзига хос ҳудудий ва бошқа жиҳатларини, жумладан, Андижон вилоятининг маҳаллий хусусиятларини инобатга олиш келгусида мамлакат тараққиётига замин бўлиб хизмат қилиши табиийдир.

Чунончи, Андижон вилояти ўзининг ўтмишдаги ва ҳозирги бир қатор хусусиятлари, айниқса иқлими, об-ҳавосининг мўътадиллиги ва тупроғининг серунумлиги билан республиканинг бошқа ҳудудларидан ажралиб туради.

Давлат арбоби, саркарда, шоир, “Бобурнома” нинг муаллифи Захириддин Муҳаммад Бобур, машхур шоира Нодирабегим, атоқли шоир, истиқлол курашчиси Абдулҳамид Чўлпон, халқимизнинг суюкли фарзанди Муҳаммад Юсуф, хассос шоира Саида Зуннуовалар ватанидир. Шаҳарнинг марказий майдони Бобур номи билан юритилади: бу ерда унинг ҳайкали ўрнатилган. Андижон давлат университети, вилоят мусиқали драма театри, вилоят кутубхонаси Бобур номида. Шу номдаги уй-музей ҳам мавжуд. Андижон шаҳрининг жанубий-шарқида – Боғишамолда 300 гектар майдонни эгаллаган Бобур миллий боғи мажмуаси (Боғи Бобур), шаҳарда Нодирабегим боғи, Сойгузардаги Чўлпон боғида Чўлпон ёдгорлик музейи яратилиган.

Андижонда Бобур номли халқаро фонд жамоаси З.М.Бобур, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ҳазрат Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Бобораҳим Машраб каби буюк сиймоларнинг ҳаёти ва ижодига доир муҳим тарихий маълумотларни тўплаш, нодир қўлёзмаларни қўлга киритиш билан бир қаторда алломаларнинг қабр ва макбараларини таъмирлаш юзасидан қидирув-муҳандислик ишларини ҳам олиб бормоқда.

Андижон олий ўқув юртлири шаҳри бўлиб қолди. Ҳозирда Андижон давлат университети, Андижон тиббиёт институти, Андижон машинасозлик институти, Андижон кишлоқ хўжалиги институтлари, юзлаб академик лицейлар ва коллежлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 2500 га яқин олим, фан доктори ва профессорлар ёшларга илм сирларини ўргатмоқдалар.

Андижоннинг Чордона маҳалласидан топилган сопол буюмлар бундан 4000 минг йил илгари тайёрланганлиги маълум. Юксак дид билан ишлов ва сайқал ҳамда ранг бериб ишланган ана шу археологик топилмалар Андижон азалдан йирик маданий марказ бўлганлигидан дарак беради. Андижонда кулолчилик сулоласи ҳозиргача сақланиб қолган. Бетақдор нақшлар солишда кулоллардан Мирзаҳамдам Мирзаев ҳамда Муҳаммадали Ҳайдаровлар ўша қадимий мактаб ривожига катта хисса қўшган халқ санъати усталари ҳисобланади.

Кашгачилик халқимизнинг азалий мўтабар санъатидир. Мустақиллик шарофати билан Андижонда кашгачилик халқ санъати қайта ривожланиб бормоқда. Андижон қизлари ва аёллари тиккан “Қалин”, “Инжиқ”, “Сетора” дўппиларини бугун мамлакатимизнинг барча вилоятларида, қўшни республикаларда ҳам учратиш мумкин.

Андижон кашгалари ўзига хос услубга эга. Майгирлик Оқбекачи аянинг шогирдлари Мутлахон Парпиева ва Хатичахон аялар миллий кашгачиликка янада сайқал бермоқдалар. Қўрғонтепа, Жалолқудуқ, Бўз, Олтинқўл туманларида ҳам кашгачилик ўзига хос йўналишда камол топмоқда.

Шунингдек, Андижон заргарлик ва мисгарлик санъати вакиллари - андижонлик Одил заргар, Мадамин заргар, Отабой заргар, асакалик Мамарайим ва Ражаб заргарларнинг юксак маҳорати билан тилла ва қумушдан ясалган “Қашқарбалдоқ”, “Илон боши”, билакузук ва туморлар, қумушдан хол бериб ишланган “Даканапойнак” пичоқ қинлари санъат асари даражасида бўлган.

Шаҳрихон пичоқсозлиги икки юз эллик йиллик тарихга эга. Шаҳрихон пичоқсозлиги илқида уста эшон бобо ва унинг сулоласидан уста Ибодулло, Алитой, уста Нўмонжон, уста Раҳматхўжанинг шогирди Содиқжон Неъматов давом эттирмоқда. “Амир Темур шамшири”, “Бобур шамшири” каби бетакрор заргарлик санъати даражасига етказилган қиличлари уни республикамиз ва хорижий мамлакатларда ташкил этилган кўрғазмаларда қатнашиш бахтига муяссар этди.

Миллий мусиқий асбобсозлик соҳасида Абдумалик Мадрахимов ўзига хос мактаб яратди. А. Мадрахимов раҳбарлигида З.М.Бобур давридаги қадимий мусиқий созлар асосида ясалган “Дилнаво”, “Дилрабо”, “Мерос”, “Ғижжаки Бобурий” каби мусиқа асбобларибугун Ўзбекистон ташқарисида ҳам машхур.

Андижон вилоятининг *иккинчи* ўзига хос хусусияти Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлар номи билан юритилувчи минтақасидан бири эканлиги. Андижон вилояти Буюк йўли ўтган йўлларнинг чоррахасида жойлашган. Мингтепа, Далварзинтепа, эйлатон ёдгорликлари, ёзма манбалар, ҳозирда шаҳар мавзеларида аниқланган археологик топилмалар бундан 2500 йил олдин ҳозирги Андижон ҳудудида шаҳарсозлик маданияти вужудга келганлигини тасдиқлайди.

Андижон вилоятининг Ўзбекистон маданиятида ҳамда республикамизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туган ўрни ҳам айнан шу хусусияти билан бўғлиқдир.

Вилоят маркази бўлмиш Андижон шаҳри аҳолисининг сони, саноат ишлаб чиқариш даражаси, илмий, маданий-маърифий салоҳияти жиҳатдан республикада алоҳида нуфузга эга бўлиб, Тошкент ва Самарқанддан кейинги учинчи ўринда туради. Вилоятда пахтачилик ва ирригатсия билан боғлиқ соҳалар, пахтани қайта ишлаш, машинасозлик ва металлсозлик, электротехника саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё, енгил, озиқ-овқат, саноати энг ривожланган тармоқлардир. Андижон мамлакатда нефт ва газ қазиб чиқаришда салмоқли ўрин тутди. Ҳудудда мингга яқин қўшма, кичик ва хусусий корхоналар мавжуд. Ўрта Осиёда ягона автомобилсозлик корхонаси Асака шаҳрида жойлашган. Бу корхонада “Нексия”, “Ласетти”, “Спарк”, “Каптив”, “Кобальт”, “Орландо”, ва бошқа янги турдаги автомобиллар ишлаб чиқарилади. Шунингдек,

вилоятда ривожланган мамлакатларнинг сармоялари жалб қилинган кўплаб корхоналар ишлаб турибди.

Тарихнинг қайси даврини қарамайлик, аجدодларимизнинг диққат-еътибори, аввало, баркамол инсонни тарбиялашга қаратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Зеро, жамиятнинг етуклиги, равнақи ҳар бир инсоннинг ахлоқий – маънавий камолотига бўғлиқ.

Вилоятнинг *учинчи* хусусияти демографик жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, Андижон вилояти республикада аҳоли энг зич жойлашган ҳудудлардан ҳисобланади. Андижон вилоятининг майдони 4,3 минг кв.км, аҳолиси 2011-йил 1-июл ҳолатига кўра 2612,4 минг киши. 2010-йилга нисбатан вилоят меҳнат ресурсларининг сони 1,5 млн кишига яқин (50 %) бўлган¹

Вилоят ҳудуди жиҳатдан Ўзбекистонда энг кичик бўлиб, у республика майдонининг атиги 0,9 фоизини ташкил этгани ҳолда, республика аҳолисининг қарийб 10% и истиқомат қилади. Вилоятда аҳоли зичлиги 1 кв. км га 550 кишини ташкил этади. Бу нафақат Ўзбекистон, балки, Евросиё мамлакатлари бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Бундан ташқари вилоят республиканинг аҳолиси тез ўсиб бораётган ҳудудларидан бири ҳисобланади. Андижон вилоятидаги барча ҳудудларда аҳоли сони табиий ўсиш ҳисобига мунтазам ўсиб бормоқда. Айниқса қишлоқ жойларда аҳоли сонининг ўсиши нисбатан юқори суръатларда сақланиб қолмоқда. Аҳоли табиий кўпайишининг энг юқори даражаси 1991-йилда қайд этилган бўлиб, бу кўрсаткич 52400 кишини ташкил қилган.²

Шу билан бирга аҳоли зичлиги ва табиий ўсиш даражасининг нисбатан юқорилиги уларни ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ жиддий муаммоларни юзага келтирмоқда.

Андижон вилоятининг *тўртинчи* ўзига хос хусусияти азалдан кўп миллатли эканлигидадир. Бугунги кунда Андижон шаҳар ва туманларида 102 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда. Вилоятда арман, корейс, рус, уйғур ва қирғиз миллий-маданий марказлари фаолият олиб борадилар. Вилоятнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўрамада кўп миллатли маҳаллалар, ярми ўзбек ва ярми бошқа миллатлардан ташкил топган минглаб оилалар мавжуд.

Президент И.Каримовнинг “Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйга мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир

¹Mamajonov M. Iqtisodiy va ijtimoiy sohalarini rivojlantirish orqali aholini ijtimoiy muhofaza qilish muammolari (Andijon viloyati misolida). II ILMIY XABARNOMA. Andijon davlat universiteti 3/2013, B.43.

²Mamajonov M. Andijon viloyati aholisining ijtimoiy muhofaza qilishning geografik jihatlari.Geografiya fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqd.et. disser. avtorefarati. T.: 2004, B.12.

пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!”¹ деган сўзлари замирида жуда катта маъно бор.

Шу нуқтаи-назардан маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича олиб борилаётган ишларда ҳам ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, Андижон вилоятида ҳам ҳар бир туман, ҳатто ҳар бир маҳалланинг бир-бирига ўхшамайдиган хусусиятларга эга эканлиги кўзга ташланади. Жумладан:

- вилоят аҳолисида диний, миллий қадриятларга содиқлик азалдан мавжуд;
- Андижон ҳудудларида яшовчи аҳоли ўртасида динга эътиқоди юқори бўлган фуқаролар кўпчилигини ташкил қилади.
- Андижон вилояти Қирғизистон Республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятлари билан чегара ҳудудда жойлашган.
- ҳудудда турли носоғлом ғоялар таъсирига тушган ҳамда мутаассибликка берилган фуқароларнинг борлиги.

Тоталитар тузум ва коммунистик мафқуранинг жаҳоншумул инқирозидан сўнг миллий ўзлигини англаш жараёни шиддатли равишда бошланиб кетганлиги, турли миллатчи ва экстремистик гуруҳларнинг пайдо бўлиб, сиёсий жараёнларнинг бош ижрочисига айланишга ҳаракат қилганликлари ҳамда мана шу хусусиятларнинг барча иқтисодий танглик ва халқ хўжалигининг чуқур инқирози даврига тўғри келиши, қисқа муддат мафқуравий бўшлиқ пайдо бўлганлиги турли ёт фикр ва мафқураларнинг кенг тарқалиши учун қулай вазиятни вужудга келтирди. Ўз навбатида, Андижон вилоятининг чегара ҳудудларга қўшнилиги, аҳоли ўртасида динга эътиқоди юқори бўлган фуқароларнинг кўплиги ва ҳудуднинг ўзига яраша баъзи муаммолари бўлишини ҳисобга олган ҳолда зарарли оқимлар аҳолига таҳдид ўтказиб айрим фуқаролар онгини, қалбини забт этишга ҳаракат қилмоқдалар. Таассуфли жиҳати шундаки, 2005-йил май ойида Андижон шаҳрида ҳам террорчилик ҳаракатлари рўй берган эди.

Умуман, Андижон вилоятига хос ва ўзаро узвий бўлган бу хусусиятлар узок йиллар, ҳатто асрлар давомида шаклланиб келган. Улар ўз навбатида маҳалла институтининг ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-маърифий муаммоларини ўзида акс эттирган бўлса, иккинчи томондан вилоятнинг тараққиётига ўзининг ижобий ёки салбий жиҳатлари билан таъсир этиб келмоқда.

¹ Каримов И. Адолатли жамият сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. Б.35.

1.3. Ўзини ўзи бошқариш конституциявий-ҳуқуқий моделининг яратилиши.

Ўзини ўзи бошқаришнинг ўзбек модели табиати, оммавий ҳокимият институти сифатида ўз ичига бир қатор жамоатчилик белгиларини олади. Бу хусусиятларнинг мавжудлиги, бошқарувнинг алоҳида даражаси мавжудлиги, маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг алоҳида соҳаси мавжудлиги айнан фуқаролар ўзини ўзи бошқарувини давлатдан ажратиш, уни мустақил ташкил этилишининг ноёб табиати билан белгилаш имкониятини беради. Бунда кўп жиҳатлари билан давлатга хос, аммо жамоатчилик белгилари мавжуд бўлган тузилмани кўрамиз.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви ва давлат ҳокимияти ўзаро узвий боғланган, чунки ҳар иккисининг манбаи умумий - *халқ ҳокимияти*. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви амалга оширадиган оммавий ҳокимияти *алоҳида мақомга* эга, у давлат ва жамоат ҳокимиятларидан ажралиб туради. Ўзини ўзи бошқарув органининг қарори ўз ҳудудида умуммажбурий ҳисобланади. Мазкур ҳокимият жамоатчиликка таянади, ўзини ўзи ташкил этиш ва ўзини ўзи бошқариш тамойилларига асосланади.

Ўзини ўзи бошқариш органи мажбуриятлар аппаратига эга эмас. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўз табиатига кўра, жамоат, диний бирлашмалар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари каби тўла нодавлат тузилмаси эмас. Ўзини ўзи бошқарув давлат тузилмасининг мажбурий таркибий қисми ҳисобланади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоат бирлашмаларидан фарқи:

- ўзини ўзи бошқариш органлари давлатнинг қатъий буйруғи асосида ташкил топади, айти вақтда жамоат бирлашмалари аҳолининг маълум қатлами томонидан ихтиёрий тамойиллар асосида шакллантирилади;
- жамоат бирлашмалари фаолияти соҳасига давлат ишларини ҳал қилиш қирмайди. Айти вақтда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари айрим давлат ваколатларини бажариши мумкин;
- жамоат бирлашмалари фаолияти қатъий ҳудудий чегарага эга бўлган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидан фарқли равишда муайян маъмурий-ҳудудий бирлик билан чегараланмайди¹.

Маҳаллий манфаатга тегишли вазифаларнинг ифодачиси бўлиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари чиқади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви давлат ҳокимиятига хос бўлган белгиларга эга. Шунинг учун фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви

¹Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. Т.: Шарқ, 1996. Б.65-67.

махаллий аҳамиятга эга масалаларни хал килишда берилган маълум мустақиллик давлатнинг ягона иктисодий, ижтимоий, ғоявий ва бошқа сиёсатидан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас. Фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви давлат-ҳокимият муносабатлари тизимидан ташқарида ва давлатдан мутлақо мустақил бўлиши мумкин эмас.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг давлатга қарамлиги шу билан изоҳланадики, фуқаролик жамияти ҳам, ҳар қандай алоҳида олинган шахс ҳам давлат юрисдикцияси доирасида бўлган ҳар қандай субъект устидан оммавий назорат ўрнатилади.

"Оммавийлик" фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви ва давлат ҳокимиятини бирлаштириб туради. Давлат ҳокимияти органи давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни хал қилади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқарув органлари эса маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалар билан шуғулланади.

Давлат ҳокимияти томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти қонуний– ҳуқуқий база ва юридик қаролатлар билан таъминланади. Бу МФЙ ва ҚФЙларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (105-модда) асосланганли хамда 1999 йил 14 - апрелда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Конституциянинг ушбу қондаси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш билан боғлиқ давлат-ҳуқуқий табиатидан ва унинг ваколат доирасидан келиб чиқиб, ўзини ўзи бошқариш соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни таъминлайдиган юридик мажмуани шакллантириш имконини беради. Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини конституциявий қоидалар билан мустаҳкамланганлиги унинг оммавий-ҳуқуқий характерини белгилаб беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солиб туришда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни¹ энг муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган "*Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида*"ги Қонунда ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказиш тартиби белгиланган².

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини –ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) // www.lex.uz.

² Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) // www.lex.uz.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасида ҳуқуқий характердаги ҳужжатлар жумласига Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси (191, 192, 194-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг оила кодекси (87, 203-моддалар), Ўзбекистон Республикасининг ер кодекси (84, 85-моддалар), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва фармойишлари: 1998 йил 23 апрелда эълон қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон¹, 2002 йил декабрда "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисидаги Фармойиши Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1999 йил 19 апрелда ишлаб чиқилган "*Маҳалла посбони*" жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори; 2003 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Обод маҳалла йили" дастури тўғрисида"ги Қарори, 2006 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури тўғрисида"ги қарори ҳам юқоридаги ҳужжатлар жумласига киради.

Мустақиллик йилларида ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, улар учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар яратиб беради. 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ давлатнинг нодавлат сектордаги ташкилотлар билан алоқаларини маҳаллий даражада ҳуқуқий тартибга солиб, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ҳокимлар билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро алоқалари ва ҳамкорлиги амалга ошмоқда.

Айниқса давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари — ҳокимият ижро органлари билан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида алоқалар мустаҳкамланмоқда. Маҳалла институти давлатнинг иқтисодиёт, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги сиёсий-ҳуқуқий қарорларининг маълум қисмини бевосита амалга оширишда ишгирок этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси" нинг веб-сайти - www.lex.uz.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги (02.09.1993 й.) қонуннинг 4-моддасида шундай дейилади: «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар»¹. 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги» қонуннинг 6-моддасида бу Қоида янада ривожлантирилди, жумладан унда шундай дейилган: «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашинишга йўл қўймайдилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар»².

Ҳокимият тизимида бу органлар Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Президент ва ҳукумат ҳужжатларининг бажарилишини таъминлайдилар³.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари энг аввало, аҳоли билан алоқада бўлган мустақил тузилма сифатида аҳоли ва давлат ҳокимияти органлари учун асосий ахборот манбалари ҳисобланади. Бинобарин, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими аҳолига энг яқин бўлгани сабабли одамларнинг кайфияти, манфаати, муаммолари ва интилишларини яхши ҳис қилади. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзига хос алоҳида жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви жамият бошқарувининг таркибий қисми ҳисобланади;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаруви у шуғулланаётган (маҳаллий аҳамиятга молик масалалар) жамоат ишларининг бир қисми қатъий белгилаб қўйилган бўлсагина фаолият кўрсата олади;
- фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалалари икки йўналишда амалга оширилади: биринчиси, аҳоли томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муайян вазифаларнинг ижроси талаб этилса, иккинчиси, фуқароларнинг ўзини ўзи

¹Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси” нинг веб-сайти - www.lex.uz.

²Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // www.lex.uz.

³ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)” ги Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси” нинг веб-сайти - www.lex.uz.

бошқариш органларига давлатнинг айрим вазифаларини босқичма-босқич ўтказиш оркали амалга оширилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш фаолиятига давлат ҳокимияти органларининг аралашувиغا йўл қўйилмайди, деган қоида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда мустаҳкамланган.¹

Маҳаллий ҳокимият органларининг мунтазам тизимини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозирги шароитда маҳалланинг вазифалари янги мазмун билан бойитилиши лозим. Гап шундаки, маҳалла иқтисодий ва демократик ўзгаришларни рўёбга чиқаришда амалий мадад бўлмоғи зарур².

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ва ушбу йўналишдаги давлат сиёсатини акс эттирадиган бир қатор норматив актлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 апрелда ПФ -1990 "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу фармонга асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда **диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи** лавозимларига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизларни тайинланиши йўлга қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий кадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 февралда қабул қилинган "Обод Маҳалла йили" дастури тўғрисидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 25 декабрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007 - 2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури тўғрисида"ги қарори шулар жумласидандир. Мазкур қарорда фуқароларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)" ги Қонуни // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси" нинг веб-сайти - www.lex.uz

² И.А.Каримов. Хавсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., Ўзбекистон. 1998. Т.6.Б.139.

ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримовнинг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги *"Ўзбекистон XXI асрга интиломда"* номли маърузасида давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш борасида ҳокимият ваколатларини фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтириш¹ вазифаларини белгилаб берилди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида катор ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кундаги мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур"²лиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президент Ислам Каримов "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида таъкидлаганидек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтига -маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда»³.

Бугунги кунларда маҳалла ўзини-ўзи бошқаруви амалиёти ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш тамойилларидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич давлат ҳокимияти вазифалари ўтказиб келинмоқда. Бу амалиёт ҳаёт тажрибасида ўзини тўла оқламоқда.

Шундай қилиб, 1990-йиллар давомида мунтазам ўтказилган ислохотлар натижасида фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришнинг конституциявий-ҳуқуқий модели шаклланди. Фармон ва қонунлар, қарорлар маҳаллалар ва Жамғарма фаолиятининг ҳуқуқий асосини

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Б. 380-381.

² Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи 2010 йил 28 январь сони.

³ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. Б.45.

яратибгина қолмай, улар фаолияти учун ташкилий моддий пойдеворини ҳам тикла ишига хизмат қилди.

XXI аср бошларида жаҳонинг деярли барча минтақалари террористик хуружларни бошидан ўтказди. Таассуфки, терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг катта қисми мохиятан тинчлик ва эзгулик дини бўлган ислом дини билан боғлаб амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонни ҳам бу муаммо четлаб ўтмади. 1999-йилнинг 16-февралда Тошкентда, 2004-йил 28-март – 1-апрел кунлари Тошкент шаҳри, Бухоро ва Тошкент вилоятларида, 2005-йил май ойида Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бунинг натижасида бегуноҳ фуқаролар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, ҳарбийлар ҳалок бўлдилар.

Кейинги йилларда дунёнинг турли ҳудудларида содир этилаётган терактларда аёллар ҳам ишгирок қилаётгани кузатилмоқда. Хусусан, 2004-йилда мамлакатимизда ташқи экстримистик оқимларга таянган гуруҳлар томонидан ясалган мосламаларнинг портлаши туфайли ҳамда махсус оператсия давомида йўқ қилинган 33 нафар террорчидан етти нафари аёллар бўлиб чиқди. Шунингдек, қўлга туширилган 54 нафар гумондор шахсларнинг ҳамда айблов эълон қилинганларнинг 15 нафари ҳам аёллардан эди. 2005-йил май ойидаги Андижон воқеалари ҳам терроризмнинг оилалар, хусусан, аёллардан восита сифатида фойдаланишга махсус киришганлигдан далолат беради.¹

Оилани, маҳаллани, қишлоқ ва овуллари диний экстримизм ғояларидан ҳимоялашда аёлларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 29-июндаги 299-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-йил 25-майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Унда мамлакатимиздаги осойишта ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишга қаратилган, ғайриинсоний, зарарли ғояларнинг жамиятда тарқалишига қарши курашиш мақсадларида фуқаролар йиғинларида маҳалла маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.² Маслаҳатчи фаолияти маҳалла хотин-қизлари ўртасида ғоявий-маънавий тарбия ишларини олиб бориш, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий, касбий қарашларини миллий истиқлол ғояси руҳида шакллантириш ҳамда жамият раванки учун керак бўлган сифатларни камол топтиришга мақсадлаштирилди.

¹Қаранг: Алимов Н. Последовательное укрепление роли женщины в обществе // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. – 2010. - №4. С. 65.

²Билолхўжаева Ш. Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси - ўзини-ўзи бошқариш органининг муҳим бўғини // Фуқаролик жамияти – Гражданское общество – Civil society. 2010. - №4. –Б.27.

Президент И.Каримов “Биз бугун сиёсий-ижтимоий ҳаётимизни эркинлаштириш йўлида қадам қўяётган эканмиз, биринчи навбатда, давлатимиз, давлат идоралари ўзига олган ҳуқуқ ва вазифаларни аста-секин, босқичма-босқич нодавлат, ижтимоий, ўзини-ўзи бошқарадиган ташкилотларга топшириш”¹ мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди.

“Давлат – бош ислохотчи” тамойилининг ҳаётга татбиқ этилгани, тўла ўзини оқлаб, “кучли давлат” гина жамиятни бир тузумдан иккинчи тузумга ўтказиш ишида раҳнамо бўла олишини амалда кўрсата олди.

Бугунги кунда “кучли давлатдан-кучли жамият сари” тамойилининг ҳаётга жорий қилиниши жараёнида маҳалла орқали давлат сиёсати жойларга етказилиб, теишли қонунлар ижроси таъминланмоқда. Жумладан, эндиликда ФХДЁ органлари ҳамда нотариат идоралари томонидан амалга ошириладиган айрим ҳужжатларни расмийлаштириш ваколоти “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига асосан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларига топширилди.²

Холбуки, Собиқ тузум даврида 1932-йил 17-апрелда “Ўзбекистон шаҳарларидаги маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом”, 1961-йил 30-августда “Республика шаҳар, қишлоқ, посёлкалар ва овуллардаги маҳалла қўмиталари тўғрисида Низом” лар қабул қилинган. Бироқ ҳар икки ҳужжатда ҳам маҳаллага юридик шахс ҳуқуқи берилмаганидан ташқари, биринчисида қишлоқ посёлкалари умуман унутилган бўлса, иккинчи Низомда маҳалла қўмиталари оддий ошхона, чойхоналарни очиш ҳам расман таъқиқланган эди. Чойхоналар эса азал-азалдан маҳалланинг энг гавжум жойлари бўлиб, барча янгиликлар шу ерда эшитилар, дастлабки маслаҳатлар ҳал бўлар, кишилар учун энг маъданий-маърифий маскан сифатида хизмат кўрсатиб келган эди.

Мустақиллик шарофати билан Маҳалла фуқаролар йиғини ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустақил Ўзбекистон Конституциясида қайд этилди ҳамда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди. Дунёда илк бор Ўзбекистонда республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси тузилди³.

Маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, тараққиётини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашига асос солинди. Мамлакат парламентида ўзини-ўзи

¹Каримов И. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч –қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Асарлар тўплами, 12 –жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2004. Б.107.

² Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)” ги Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси” нинг веб-сайти - www.lex.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 12 сентябрдаги “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида” ги Фармони // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси” нинг веб-сайти - www.lex.uz.

бошқариш органлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари биринчи марта депутат қилиб сайланди. Дунё парламентлари тажрибасида қайд этилмаган Олий Мажлисда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси ташкил этилди. “Маҳалла” газетасининг таъсис этилиши маҳалласи институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш учун катта имкониятлар яратиб берди.

Собиқ тузум даврида хотин-қизлардан чиққан қишлоқ совети раислари фаолиятдан тубдан фарқли эди. Шу жиҳатдан қаралса, 2001-йилги сайлов натижаларига кўра Андижондан 83 та хотин-қиз маҳалла раислигига сайланди.¹ Ўзбекистон давлати ва ҳукуматининг маҳаллалар мавқеини тобора кўтариш ва давлат ташкилотларига тегишли кўпгина ваколатларни ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклаш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бироқ амалиётда бу жараён зиддиятли эканлиги кўриниб қолди.

Бу ҳаётий зиддиятни Юртбошимиз шундай эътироф этади: “Биз маҳалла фаолларининг ҳуқуқини янада кенгайтиришга, уларга тегишли имтиёзлар бериш, шу билан бирга уларнинг маъсулиятини ошириш мақсадида махсус фармон чиқардик, қонун қабул қилдик. Афсуски, айрим маҳалла фаоллари бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаптилар. Кўп ҳолларда, туман, шаҳар ҳокимликлари маҳалла вакилларига бошқарув ваколатини беришга тўсқинлик қилиб, оёқ тираб турибдилар”.²

Аmmo президентимиз раҳнамолигида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг эркинлигини таъминлаш собитқадамлик билан амалиётга жорий этилмоқда. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат ижроия органлари билан ўзаро муносабатларининг мукамал механизмлари шакллантирилди. Масалан, ўзини-ўзи бошқариш органлари, хусусан, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасида равшанлашади. Унда шундай дейилган: “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилади”.³

Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини-ўзи бошқариш иродаси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда.

¹Қаранг: Гадейбоев А. Халқ йўли - ҳақ йўл. Т.: Янги аср авлоди, 2004. Б. 44.

²Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 8 – том. Б. 308.

³Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини –ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // www.lex.uz.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари учун президентимизнинг маҳалла ҳақидаги қуйидаги фикрлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда: “Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб кадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Шу билан бирга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилмоқда, улар бугун ўзини-ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конститутсиямизга киритилиб унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Маҳалла бошқарувида бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг халқчиллигидан далолат беради. Айти пайтда у юртимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган тамойилнинг амалий ифодасидир”.¹

Бу бошқарув шакли орқали юртдошларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этаётгани ўз қишлоқ ёки шаҳарларида қандай ибратли ишларни амалга ошираётганини Андижон вилояти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда вилоятда 6 та шаҳарча, 94 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва 866 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг замон талаблари асосида иш юритишлари учун зарур шарт-шароитлар ва қулайликлар яратилган.

Шу билан бирга, маҳалла муҳим давлат дастурларини амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Бугун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар фақат фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари иштироки билан ҳал қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010-йил 12-ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси” асосида давр талабларидан келиб чиқиб², “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Улар маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек,

¹Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б.59.

²Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 й. 12-ноябрь // www.press-service.uz.

унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларни янада кенгайтиришга қаратилган.¹

II БОБ. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИЛИШИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ОМИЛИ

2.1. Маҳалланинг аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш марказига айлантирилиши.

Маҳалла институти фаолиятининг асосий вазифалари сифатида ўзбек халқи “*удум ва анъаналарни авайлаб асраш ва бойитишига ҳар томонлама қўмаклашиш*” ҳамда “*кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга ва ёлғиз қолган қарияларга нисбатан*

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини –ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // www.lex.uz; Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрири) // www.lex.uz.

инсонпарварлик ва меҳр-шафқат муносабатида бўлиш гоъларини тарғиб қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш” белгилаб берилган.

Собиқ тузум даврида ҳам ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос тизими мавжуд бўлиб, унинг асосий хатоси ялпи тенглаштиришдан иборат эди. Масалан, тўрт кишилик оилавий даромади ўртача жон бошига 200 сўм бўлган оила учун ҳам, ўн кишилик оилавий даромади ўртача жон бошига 20-30 сўм бўлган оила учун ҳам болаларга бир хил миқдордаги нафақа тўланар эди.¹

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳимоянинг бутунлай янги адолатли тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга самарали жорий этилмоқда. Бу тизимнинг тарихий асослари, моҳияти ва жорий этилиш йўллари Президентимиз асаридан келтирилган: *“Биз ижтимоий ҳимоянинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни танлаб олдик”*.²

Шунга биноан, 1994 йилда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Энди ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб берилмоқда. Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизими доирасида кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланадиган бўлди.¹

Жамиятимизда рўй бераётган иқтисодий ислохотлар, ўтиш даври қийинчиликлари, бозор муносабатлари аҳолининг табақаланишини кучайтириб юборди. Ишсизлик деган тушунча мазмуни реаллашди.

Вилоятимизда аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича Президентимиз Фармонларига мувофиқ 44567 халқ таълими ходимлари коммунал тўловлардан озод қилинди, 4400 га яқин ўқитувчига яшаб турган уйлари шахсий мулк қилиб берилди. 5700 дан ортиқ ўқитувчи ҳовли-жой билан таъминланди.²

195 мингдан ортиқ 1-5-нчи синф ўқувчиларига бепул нонушга учун давлат ҳисобидан 172 млн сўм, оталиқ ташкилотлари томонидан 626 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.³

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)” ги Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси” нинг веб-сайти - www.lex.uz

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Б. 270

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 3-жилд, б. 268-272

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” рисоласида баён этилган йўл йўриқ ва вазифалар ҳақида вилоят ҳокими Қ.Г.Обидовнинг маърузасидан. (Э.Ю.Юсуповнинг шахсий архив маълумотларидан.)

³ Ўша жойда.

Ижтимоий ҳимоянинг энг самарали йўлларида бири ишсизларни иш билан таъминлашдир. Эътироф этиш керакки, собиқ тузум даврида ҳам моддий ёрдам деган тушунча бўлган. Аммо ҳали тарихда бирор мамлакатда ўтиш даврида ижтимоий ёрдам, мустақил Ўзбекистондагидек кенг миқёсда амалга оширилмаган.

“Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизими доирасида кам даромадли оилаларга бериладиган моддий ёрдам одамларга энг яқин турувчи маҳалла аҳолиси йиғинида тайинланадиган бўлди, - деб таъкидлайди И.А.Каримов, - ёрдамга мухтож оилаларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва қайд этиш воситасида ёндашув янгилигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак”.⁴

Президент Ислам Каримов ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” китобида шундай деб таъкидлайди: “Маҳалла ҳозир халқ ишончини қозонган адолат маскани ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизми бўлиб қолди. У жамиятимизда ислохотларни амалга оширишнинг ишончли таянчи ва таъсирчан воситасига айланиши даркор”¹.

Анджон вилояти шаҳарлари ва туманларида кишлоқ ҳамда шаҳар МФЙ лари томонидан ҳар бир оиланинг турмуш тарзи ва муҳити чуқур ўрганилмоқда. Худуддаги кам таъминланган оилалар аниқланиб, уларга ўз даромадларини ошириш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда, қўшимча вақтбай, шунингдек уй шароитида ишлаш, ҳунар ўрганиш, касаначилик билан шуғулланиш бўйича имкониятлар яратиш чораларини кўриш бўйича амалий тадбирлар уюштирилмоқда.

Кам таъминланган оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги тури сифатида мамлакат ижтимоий ҳимоя сиёсатида биринчи маротаба жорий қилинди. Унинг янгилиги – муайян оилани кам таъминланган деб топиш масаласи маҳалла, кишлоқ, овул фуқароларининг йиғинлари томонидан мустақил равишда белгиланадиган ва ана шу оилага моддий ёрдам тайинланадиган бўлди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 1994 йилнинг 1 октябридан бошлаб ҳар ойлик тўловлар тарзида моддий ёрдам кўрсатишни амалга ошира бошлашди. Ушбу билан маҳалла фуқаролар йиғинининг ижтимоий ҳимоя фаолияти шаклланишига дастлабки қадамлар қўйилди.

Ижтимоий ҳимоянинг адолатли бўлишида маҳалланинг аҳамияти катта. Чунки жамият мавжуд экан, нопок, халқнинг ҳаққига кўз олайтирувчилар ҳам топилади.

⁴ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 3-том, Б. 272

¹ Каримов И.А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Т.: Узбекистан, 1995. с. 126.

Масалан, 1998 йил 12 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Болали оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ҳақида”ги Фармонида асосан вилоят ҳудудидаги 356 та қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида 16 ёшгача болали оилаларга нафақаларни тайинланишнинг тўғрилигини текширишдан ўтказилди.

Текшириш ўтказилган айрим маҳаллалар фуқаролар йиғинлари томонидан оилаларни жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори нотўғри ҳисобланган ва натижада нафақа тайинланиши керак бўлмаган оилаларга нафақалар тайинланиб юборилган.

Айрим қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган нафақа тайинловчи махсус комиссиялар томонидан оиланинг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромадлари болали оилаларга нафақа олишлари учун белгиланган муҳтожлик мезони – кўрсаткичидан ортиб кетган.¹

Бундай хатоликларга Андижон, Шаҳрихон, Қорасув шаҳарлари, Жулақудуқ, Олтинқўл, Андижон, Балиқчи, Пахтабод, Избоскан туманларидаги маҳаллалар фуқаролар йиғинларида фаолият кўрсатаётган нафақа тайинловчи комиссиялар томонидан йўл қўйилган.

Жалақудуқ туманидаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Кесаққишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини (котиби Ражаббоев Д.) да фаолият кўрсатаётган нафақа тайинловчи комиссия Тешабоева Б. оиласини сентябрь ойидаги жон бошига ўртача даромади 649 сўм бўлгани ҳолда 506 сўм, Маманазарова О.ни даромади 688 сўм ўрнига 564 сўм, Ғаниева Д. ни даромади 676 сўм ўрнига 581 сўм этиб ҳисобланган ва натижада бу учта оилага нафақалар нотўғри тайинланган.²

Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси, ўзини ўзи бошқариш органлари давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда хомийлар ёрдамида ижтимоий ҳимоя соҳасида 2003 йил – “Обод маҳалла йили” да 1 147 682,8 минг сўмлик моддий ва молиявий хайрия ёрдамлари ажратилиб, жами маблағнинг 35,2% ни ташкил этди. Жамғарманинг республика бошқаруви орқали 191429 минг сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилиб, умумий ҳаражатнинг 51,1% ни ташкил этди.¹

1996-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрда “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириши

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви, Андижон вилоят бўлими, 4141-фонд, 13-рўйхат, 43-йиғма жилд, 16-варақ

² Ўша жойда, 117-варақ.

¹ Гадоибоев А.Б. Халқ йўли – ҳақ йўл. Б.127.

тўғрисида”ги Низом қабул қилиниб, болали оилаларга ижтимоий ёрдамнинг аниқ берилишини кучайтириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида мазкур Фармон ва Низом асосида 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “*Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида*”ги Фармони ижтимоий ҳимоя сиёсатининг навбатдаги қонуний ифодаси бўлди. Унга кўра, боласи икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича ишламайдиган оналарга маҳаллалар орқали бериладиган ойлик нафақалар миқдори 2002 йил 1 февралдан бошлаб энг кам иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб эса, 200 фоизи миқдорида белгиланди. Шунингдек, 16 ёшгача болалари бўлган нафақа олувчи оилалар тоифаси кенгайтирилиб, умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқийдиган 18 ёшгача болалари бўлган муҳтож оилалар ҳам шу тоифага қўшимча равишда киритилди.

Вилоятда 2005 йил давомида маҳаллалар орқали вояга етмаган фарзандлари бор оилаларга 10 миллиард 482 миллион сўмдан зиёд, икки ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан машғул оналарга эса 7 миллиард 873 миллион сўмдан ортиқ ёрдам пули ажратилди.¹

Оилалар ва фуқаролар томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларига боқимандаларча ёндашишга йўл қўймаслик қонидасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “*Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси*”да кўрсатилганидек, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш масаласи қўйилди.

Вилоят ҳокимининг 1998 йил 22 майдаги 123-к рақамли “Вилоятда узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида”ги қарорига асосан шаҳарлар ва туманларда кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлашда юзга яқин корхона ҳомийлик қилиш истагини билдирди.

¹ Қаралсин: Бугунги Андижон. Т.: Ўзбекистон, 2006. Б.886.

Фақат Андижон шахрининг ўзидаёқ яқин икки миллион сўмлик дарсликлар хомий ташкилотлар томонидан сотиб олиниб, мактабларга етказиб берилди.

Шунингдек, вилоятда фаолият кўрсатаётган ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларидан аксариятига зарур адабиётлар текин етказиб берилди, ёки кутубхона фондларидаги дарсликлардан кенг қўламда фойдаланиш учун шароитлар яратилди.¹

2011 йилнинг июлида “Маҳалла” хайрия жамғармаси республика бошқаруви сайёр раёсат йиғилиши Андижонда ўтказилди. Чунки, истиқлол йилларида вилоятимиздаги ўзини-ўзи бошқарув органлари ташкилий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тубдан мустаҳкамланди. Ана шу барқарорлик, айниқса, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида яна бир бор ўз исботини топди. Йиғилишда Андижон қишлоқ ва маҳаллаларидаги бунёдкорлик, қурилиш ҳамда ободончилик ишлари алоҳида эътироф этилди.

Шундан сўнг “Маҳаллани аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айлантириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдаги долзарб масалалар” мавзuida республика семинари иш кўрди. Андижон туманидаги Истиқлол МФЙ фаолияти ва у ерда ташкил этилган намунали тураржой бинолари семинар иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Меҳмонлар, шунингдек, Избоскан туманидаги Т.Мамажонов номли МФЙ ҳамда ака-ука Мамажоновлар томонидан бунёд этилган спорт мажмуаси, Олтинқўл туманидаги “Агротеххизмат” МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишдилар.¹

Бўз туманидаги “Маъруфобод” МФЙ диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи – Олияхон опа Бозорбоева Президентимиз Фармонига кўра “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди. Маҳаллада тўй-тўркин, маърака маросимлари анча ихчамлаштирилган. Кам таъминланган, яқка-ёлғиз ва эҳтиёжманд фуқаролар истиқомат қиладиган оилалар эса алоҳида назоратга олинди. Фермер хўжалиги раҳбарларидан Исмоилжон Ўрмонов, Иқбол Отахонов, маҳалла худудида гишт заводи раҳбари Исроилжон Мирзакомиллов каби ҳимматли инсонлар нафақат Хайит байрамларда, балки кунда-кунора улар ҳолидан хабар олиб, моддий ёрдам кўрсатиб турадилар.²

“Обод турмуш йили”да “Маҳалла” хайрия фонди Андижон вилояти бўлими томонидан 135 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларига 17 млн. 32 минг сўмлик 51 та ижтимоий ҳимояга муҳтож, ёш оилаларга никоҳ тўйларини ташкил этиш ва турмуш

¹ ЎзР ПДА, АВБ, 4141-фонд, 13-рўйхат, 107-йиғма жилд, 46-варак.

¹ Гадоёбоев А.Б. Халқ йўли – ҳақ йўл. Б.127.

² Қаранг: www.iqbol.uz, 2012 yil, 2-noyabr

шароитларини яхшилаш мақсадида фонд томонидан 15 млн. 400 минг, ҳомийлар томонидан эса 36 млн. 900 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.¹

Кам таъминланган оилалар фарзандларидан 18 нафарига никоҳ тўйи ҳамда 5 нафарига суннат тўйлари ўтказилди. Келин-куёвларга совға сифатида телевизор ҳамда холодильниклар берилди. Шаҳар, туманлардаги 32 та кам таъминланган оилаларга бир бошдан қора мол олиб берилди.²

Ўтган давр мобайнида кам таъминланган, боқувчиси йўқ оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг ҳашар йўли билан 28 минг 800 кв метр уй-жойлари таъмирланди ва қаттиқ ёқилғилар билан таъминланди. Бунинг учун 1 минг 820 та хонадонга ҳомийлар томонидан 345 млн. 800 минг сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

“Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан вилоятдаги 37 минг 825 нафар ногиронларнинг 11 минг 641 нафарига 175 млн 835 минг сўмлик, шундан, фонд вилоят бўлими бошқаруви томонидан 7 млн 529 минг сўм, ҳомийлар томонидан 105 млн 286 минг сўм, фуқаролар йиғинлари томонидан 6 млн 320 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.³

Шунингдек, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқаруви томонидан маҳаллардаги ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар, ногиронлар, меҳнат фахрийларига 6 млн 800 минг сўмлик совғалар берилди ҳамда 16 та кам таъминланган оилалар учун 3 млн 400 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Фонднинг шаҳар, туман бўлинмалари томонидан жами 35 млн. 700 минг сўмлик совғалар берилди, 13 млн 632 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳомийлар томонидан 72 млн 994 минг сўмлик совғалар тарқатилди.

Вилоят бўйича ушбу категориядаги жами 3 минг 138 та ижтимоий муҳофазага муҳтожларга 115 млн 494 минг сўмлик совғалар улашилди.⁴

Эҳтиёжманд оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тайинлашга йўналтирилган давлат бюджети маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, ўзлаштиришларга йўл қўймаслик мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан учрашувлар режаси тасдиқланди. Мазкур режага асосан март ойида шаҳар, туман ҳокимликларида муҳокама йиғилишлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги 350-сонли “Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан Андижон шаҳридаги 5-сон, “Бирлашган”, “Ишчилар”, “Хўтанарик”, Бўз туманидаги “Бўстон”, “Охунбобоев”, “Яккатол”,

¹ Андижоннома, 2011 йил, 9 июль

² “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилоят бўлими жорий архив материалларидан

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

“Гулистон”, Мархамат туманидаги “Ўзбекистон”, “Қорақўрғон”, “Дорбоз”, “Полвонтош”, Пахтаобод туманидаги “Навбахор”, “Қўқонқишлоқ”, “Учкўза”, “Омонжўра-2”, Қўрғонтепа туманидаги “Улуғбек”, “Гулистон”, “Қирлик” ҳамда “Р.Бобохонов” номли маҳалла фуқаролар йиғинлари иш фаолияти таҳил қилиниб, услубий ва амалий ёрдам кўрсатилди.¹

Ушбу танловда Пахтаобод тумани “Қумшайдон” МФЙ раиси З.Собиров вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритди. “Маҳалла” фонди вилоят бўлими ва хомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида ижтимоий ҳимоянинг бугунлай янги адолатли тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга самарали жорий этилмоқда.

2.2. Тадбиркорлик, “Устоз-шогирд” ва оилавий бизнес.

Мустақил тараққиётимиз мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,4 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг ялпи даромадлари 8,6 баробарни ташкил этди.²

Ижтимоий соҳаларда эришилган марралар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат ҳаражатлари 5 мартадар кўпроқ ошди, аҳоли турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 3,1 баробардан зиёд, болалар ўлими 3,3 баробар камайди, аҳолининг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга етди.³

Аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳалари мамлакат иқтисодиёти ҳамда жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда кичик бизнес республикамизни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бирига айланди. Унинг 2000-2011 йиллар давомидаги асосий ривожланиш кўрсаткичларининг тенденциялари ялпи ички маҳсулотнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 2011 йилда 52,5 фоизга, иқтисодиётда иш билан банд бўлган аҳолининг улуши 2000 йилдаги 49,7 фоиздан 2011 йилда 74,3 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги ҳиссаси 2000 йилдаги 12,9 фоиздан 2011 йилда 21,1 фоизга

¹ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилоят бўлими жорий архив материалларидан

² Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари. Статистик тўплам. –Т.: Ўзбекистон, 2011. Б.6.

³ Ўша жойда, Б.7

кўтарилди ҳамда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари фермер хўжаликларисиз 219 мингтани ташкил этди.¹

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда ва вилоятларда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли бандлиги, даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Сўнгги йилларда касаначилик ва оилавий тадбиркорлик каби аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шакллари фаол ривожланмоқда. 2006-2010 йилларда корхоналар билан фуқаролар ўртасида тузилган касаначилик ва ижара шартномалари асосида 674 мингта иш ўрни ташкил этилди.²

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги *“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”* мавзусидаги маърузасининг олтинчи бўлимида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштиришга оид кичик бизнес соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор Қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги таъкидланди.¹

Юқорида қайд этилган концепцияга мувофиқ *“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”* ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди ва Сенати томонидан маъқулланди.

Маҳалла ҳудудида хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, шунингдек касаначилик, шахсий томорқа хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этиш ишлари фуқаролар йиғинлари фаоллари билан биргаликда амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда, шунингдек вилоят маҳаллаларида тадбиркорлик, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш ишлари бўйича комиссиялар кенг кўламли фаолият юритмоқда.

Андижон вилоятидаги ҚФЙ ва МФЙ лари комиссиялари мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг ҳамкорлигини таъминлаш, кичик корхоналар очиш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш,

¹ Ўша жойда, Б. 66-67

² Ўша жойда: Статистик тўлам... Б. 99-100

¹ Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010. Б. 49-51

миллий ҳунармандчилик устахоналарини тузиш ва янги иш жойлари очиш ишларини ташкил қилишда, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширилишига кўмаклашмоқда.

Айниқса, тадбиркор ва ишбилармонларнинг маҳалла ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ўзининг ҳомийлик ишлари билан одамлар ўртасида меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ёрдам муҳитини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани эътиборга молик. Шундай тадбиркорлардан улўғнорлик Муроджон Тожибоевнинг Шаҳрихон маҳалласи ободончилиги учун 4 миллион сўм, Шаҳрихон туманидаги Ўрмонжон Бозорбоев эса Беш-маҳалла гузари учун 2 миллион сўм сарфлагани, Улўғнор тумани Дилмурод фермер хўжалиги раҳбари Инобат Саидова мухтож оилаларга доимий ёрдам кўрсатиб келаётгани, булоқбошилиқ Каримжон Носировнинг болалар учун боғча қуриб бергани ва шунга ўхшаш кўплаб саховатпеша тадбиркорларнинг ибратли ишлари халқ эътиборига тушиб бормоқда.¹

Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган Андижон вилоятида ҳунар-таълим тизимини ривожлантириш ижтимоий аҳамият касб этади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятдаги мавжуд ҳунар-техника билим юртлари сақлаб қолинди ва янгилари ташкил этилди.

Таълим тўғрисидаги қонунга асосан, вилоятда ўрта махсус таълим йўналиши бўйича бизнес мактаблари, касб-ҳунар курслари очилди. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислар (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва менежмент ва х.к.) тайёрлашга киришилди. Бу маҳалла шарт-шароитларида “Устоз-шогирд” тизимини йўлга қўйишга замин яратди.²

Вилоятда бозор иқтисодиёти эҳтиёжларини қондириш мақсадида янги-янги унутилиб кетган халқ ҳунармандчилиги соҳалари қайта тикланди. 1992-1995 йилларда вилоят билим юртларида 100га яқин саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ ҳунармандчилигини мукамал ўрганишга ихтисослаштирилган академик гуруҳлар ташкил этилди.³

Ҳунармандликка эришган тажриба ва ютуқлар республика вилоятларига намуна сифатида кўргазмали семинар иш қўрди. Тошкентда ўтказилган Республика билим

¹ Қаралсин: Бугунги Андижон: китоб-альбом (ўзбек, рус, инглиз т.) Т.: Ўзбекистон, 2006, Б.91

² Ўзр ПДА, АВБ, 4141 фонд, 4-рўйхат 21-йиғма жилд, 17-варақ

³ Ўзр ПДА, АВБ, 1441 фонд, 4-рўйхат 22-йиғма жилд, 18-варақ

юртлари ярмаркасида андижонлик ёш ижодкор хунармандлар биринчи ўринни эгалладилар.¹

Давлат, оила, жамият ва ёшлар тарбияси муаммолари “Оила маънавияти – фаолият тараққиёти” мавзуларида ўтказилган конференцияларнинг тавсиялари асосида вилоят халқ таълими, “Маҳалла”, “Камолот”, “Нуроний” жамғармалари томонидан битирувчи синф ўқувчиларини касб-хунарни эгаллашга мақсадлаштирилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, маҳаллалар минбарида “Хунарманд оилалар”, “Устоз-шогирд” кўргазмалари уюштирилди ва суҳбатлар ташкил этилди.²

1997-1998 ўқув йилида вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган 41 166 нафар ёшлардан 4950 нафари хунар-техника билим юртларида ўқишга, 11-синфни тамомлаган ёшлардан 758 нафари “Уста-шогирд” усулида хунар ўрганишга ҳамда 845 нафари касб-хунар эгаллашга рағбатлантирилди.

Вилоятда ўтказилган меҳнат ярмаркалари натижасида 2000 дан зиёд ёшлар танлаган касблари бўйича ишга жойлашдилар.³

Вилоят “Маҳалла” жамғармаси қошида “Маҳалла уста хунарманди” шўъба корхонаси очилган бўлиб, у шаҳар маҳаллалари ва қишлоқларда миллий хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Корхона учун Андижон шаҳридаги “Узум бозори”дан 9 та дўкон харид қилиниб, тайёр маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилди.⁴

Корхона нафақат ишлаб чиқариш билан шуғулланади, айти пайтда хунармандларнинг ўз ишини очишига, маҳсулотларини сотишига ҳам ёрдамлашади. Ҳозиргача шундай хунармандларнинг 78 нафарига ёрдам кўрсатилиб, 15 миллион 600 минг сўмлик кредит ажратилди.⁵

Ўз навбатида, ҚФЙ ларида деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилмақда.

Андижон вилояти, Пахтаобод туманидаги “Учқўрғон” маҳалласида Исмоиловлар хонадони 13 сотих ерда иссиқхона барпо этишган. Ҳар йили турли сабзавот кўчатлари етиштириб, 16-18 миллион сўмгача даромадга эга бўлмақдалар.⁶

“Тўққизбоғ” маҳалласида 121 та хонадонда ҳар йили терак кўчатлари етиштириляпти. Уйғур қишлоғида 12 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Томорқа ишлари бошланган кунларданоқ ундан самарали фойдаланиш, аҳолини хайрли ишларга

¹ Ўша жойда

² Ўзр ПДА, АВБ, 4141 фонд, 13-рўйхат 130-йиғма жилд, 52-56-варақлар

³ Ўша жойда, 53-54-варақлар

⁴ Ўша жойда

⁵ Ўша жойда

⁶ Қаранг: Vodiy Gavhari, 2012, April

бошлашдек саъй-харакатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҚФЙ, МФЙлари томонидан турли йиғинлар, кўргазмали анжуманлар ўтказилмоқда.¹

Булоқбоши ҚФЙда аҳоли асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Кам таъминланган оилаларга ўзларининг беминнат ёрдамини аямаётган ҳомийлар Эркиной Аҳмадалиева ҳамда Барноҳон Элчиевалардан маҳалла аҳли миннатдор.²

Вилоятда 2009 йили 77,8 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди, шундан 27 мингга яқини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди.³

Андижон аҳоли зич яшайдиган вилоят бўлгани сабабли, бандлик масаласи ҳам ғоятда ўткирдир. Буни эътиборга олиб, Ислон Каримовнинг саъй-харакатлари билан вилоятнинг чегара ҳудудларида яшовчи 4300 га яқин оилага чорвачилик, миллий хунармандчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш учун 2,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилиб, 9,5 минг киши иш билан таъминланди.⁴ Бу оилалар бир йил мобайнида умумий ҳисобда 1 миллиард 105 миллион сўм даромад олишга эришди. 2006 йилда ҳам бу мақсадлар учун “Бандлик” жамғармасидан 1 миллиард 100 миллион сўм маблағ ажратилди. Буларнинг барчаси андижонликлар манфаатига, уларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

2013 йилда Андижон вилоятида мавжуд кичик ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари 64 601 тани ташкил этган бўлиб, улардан 21194 таси бевосита маҳаллалар тасарруфида, ушбу корхоналардаги 172 101 та ишчи-хизматчи эл-юрт хизматида.⁵

Истиқол йилларида (1993-2005 йй.) вилоят маҳаллалари ҳудудида 721 та замонавий жиҳозланган маҳалла гузари бунёд этилди. Бу гузарлар фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

1-чақириқ халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши VIII сессиясида (1998 йил, 25 июль) қайд этилишича, вилоятда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга катта эътибор қаратилди. Қишлоқларда хонадонлардан тортиб маҳалла ва гузарларига ободончилик ишлари кенг кўламда олиб борилди. “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташаббуси билан мустақилликнинг етти йиллигига бағишлаб, “Оилам – бахтим менинг, гузарим – фахрим

¹ Ўша ерда

² Қаранг: www.iqbol.uz, 2012 йил, 5-апрел

³ Қаралсин: Қўхна ва навқирон Андижон: китоб-альбом. Масъул муҳаррир проф.Т.Мадумаров. –Т.: Шарқ, 2010. Б. 122-123

⁴ Ўша жойда

⁵ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилоят бўлими жорий архив материалларидан

менинг” шиори остида ўтказилган кўрик-танловлар, Андижонни обод ва кўркем юртга айлантириш – Юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватланди.¹

Бу борада Андижон туманининг “Шарқ юлдузи” маҳалласидаги Чўлпон, Хўжаобод туманидаги Навоий номидаги гузарлар, Хортум қишлоғи гузари, Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғини, Андижон шаҳридаги Мирпўстин, Асака шаҳридаги “Дўстлик”, Олтинқўл туманидаги Қайирма маҳаллалари гузарлари замонавий биноси, самарали фаолияти билан намуна бўлиб келмоқда.

Шу ўринда ҳар қандай маҳаллани маҳалла қиладиган, одамларнинг бошини қовуштириб, хайрли ишларга бошлайдиган, каттаю кичикнинг эътиборини қозонган энг ибратли маҳалла оқсоқоллари ҳақида гап кетганда, Андижон шаҳридаги Имом Бухорий номидаги маҳалла оқсоқоли Муҳаммадjon Исмоилов, Сой маҳалласи оқсоқоли Ботирjon Турғунов, Олтинқўл туманидаги “Оқ тумор” маҳалласи оқсоқоли Алиjon Маҳмудов, Андижон туманидаги “Экин-тикин” маҳалласи оқсоқоли Қодирjon Сатторов, Асака туманидаги “Қайрағоч” маҳалласи оқсоқоли Муҳаммадjon Тўйчиев, Асака шаҳридаги Улуғбек номидаги маҳалла раисаси Кимёхон Камолова, Булоқбоши туманидаги Янгиарик маҳалласи раисаси Оминахон Раззоқова, Махамат туманидаги Мингтепа маҳалласи раисаси Хайрихон Эгамбердиева² каби фидойи инсонлар ва юзлаб фаолларни кўрсатиш мумкин. Улар орасида кейинги йилларда самарали меҳнати учун Жалолқудук туманидан Усмонjon Каримов “Эл-юрт ҳурмати” ордени, Андижон туманидан Иқромjon Ашрабиев “Дўстлик” ордени, Хўжаобод туманидан Раънохон Мадрахимова ва Балиқчи туманидан Комилjon Ҳайдаров “Шухрат” медали билан тақдирланди.³

Обод турмуш йилида маҳалла ҳудудидаги инфратузилмаларни - кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва касаначиликни ривожлантириш ва ободонлаштиришга муносиб хисса қўшган “Энг яхши маҳалла раиси” ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла раиси” танлови вилоят босқичи ўтказилиб, танловда Асака туманидан *Абдуллаев Эркин* Кужгон ҚФЙ раиси, Пахтаобод туманидан *Имматалиев Валилillo* Маданият ҚФЙ раиси, Мархамат туманидан *Эргашев Махаммадзокир* Қорақўрғон ҚФЙ раиси, Андижон шаҳридан *Умирзақов Хасанбой* Кенгаш МФЙ раислари биринчиликни эгалладилар.⁴

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилоят бўлими томонидан “Андижонни кўркем ва обод вилоятга айлантирайлик” кўрик танловларига мақсадлаштирилган 383 та

¹ Ўзр ПДА, АВБ, 4141 фонд, 13-рўйхат 43-йиғма жилд, 25-варақ

² Қаралсин: Бугунги Андижон. –Т.: Ўзбекистон, 2006. Б. 85-88

³ Ўша жойда.

⁴ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилоят бўлими жорий архив материалларидан.

махалла гузарлари қурилиши, 500 дан зиёд гузарларнинг замонавий таъмирланиши ва 100 дан ортиқ гузарлар лойиҳаси учун 20 млрд. 40 млн. 600 минг сўм маблағ сарфланди.¹

Марҳамат туманидаги Кўтарма ҚФЙ ўраида тадбиркорлар О.Қурбонов ва Ҳ.Эркабоев, Ў.Норбўтаев ва И.Исоқовларга қарашли чиройли бинолар қад ростлади. Улардан бири савдо дўкони, яна бири дорихона учун мўлжалланган. Тадбиркор Хадичахон Раҳимовага тегишли икки қаватли муҳташам бинода савдо шохобчаси билан бирга чеварлик, гўзаллик салони, элита пардалари тикиш ва келин либослари ижараси каби хизмат турлари мавжуд. Дорбоз маҳалласи гузарида шунингдек, новвойхона, сартарошхона, ойнак кесиш ва пайнет хизмати, мева-сабзавот хизмати йўлга қўйилган. Маҳалла – мавзеларнинг замонавий гузарлари эл хизматида.²

Аҳолининг табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланиши даражасини ошириш мақсадида 1277 км сув ва 1720 км газ қувурлари ётқизилди. Жами 174 та қишлоқ газ билан, 350 та қишлоқ сув билан таъминланди.

Маҳаллалар ва мавзелар ичидаги йўлларни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш бўйича 972,4 км йўл асфальтлаштирилиб, ободонлаштирилди.

Маҳалла аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун вилоятда кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда тижорат банкларининг кредит линиялари орқали катта миқдорда кредит ажратилди. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан 2765 та кам таъминланган оилага ҳам ёрдам кўрсатилди.

Вилоят, туман ва шаҳарлар, маҳаллаларда янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича, шунингдек, иш билан таъминлаш юзасидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, йил мобайнида 5528 та маҳалла ҳудудида кичик ва ўрта бизнес соҳасида 176 минг 418 та иш ўринлари яратилди.³

2004 йил Шаҳрихон тумани Пахтаобод қишлоғидаги Дўрмон МФЙ да ёшларни хунарга ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида “устоз-шогирд” йўналиши бўйича Лобархон Жўраева ҳамда Малохатхон Хўжамоваларга ўндан зиёд қизлар бириктириб қўйилди. Айти пайтда ёшлар улардан хунар ўрганишмоқда. Мўътабархон Масаидова жияк тўқиш сирларини ён-атрофдаги ўсмир қизларга ўргатиб, хунарли қилмоқда. Дониёр Олимов эса кулолчилик мактабини яратган хунармандлардан. У 17 нафар шогирдига кулолчиликнинг сир-саноатларини ўргатиб келмоқда.⁴

¹ Ўша жойда.

² Андijоннома, 2011 йил, 31 август

³ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андijон вилоят бўлими жорий архив материалларидан.

⁴ Қаранг: www.iqbol.uz, 2011 йил, 8-sentabr

Вилоят маҳаллаларида кўплаб хунармандлар “устоз-шогирд” анъанаси асосида маҳалла ёшларга хунар ўргатиш кенг йўлга қўйилди.

Анджоннинг айрим маҳаллаларида ишсизлик тугатилди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Андижон шаҳри Ал-Бухорий маҳалла фуқаролар йиғинининг аҳоли биндлигини таъминлаш соҳасидаги фаолияти диққатга сазовордир. Тадбиркорлар – Т.Мирзаев, Р.Мирзаев, Д.Аҳмедов, Т.Мусаева, Ҳасанбой ва Хусанбой Аҳмедовлар томонидан ишга туширилган трикотаж ва кийим-кечак цехлари, “Устоз-шогирд” курсларида айниқса, кам таъминланган оилалардан, юзга яқин¹ ёшларни иш билан таъминланди, қаровсиз, ташландиқ ерда қисқа муддатда боғ қад ростлади.²

Анджон ш. Игтифок маҳалласи, Муқаддам Сатторова хонадонида МФЙ ёрдамида трикотаж маҳсулотларидан эркак, аёл ва болалар кийим-кечакларини тайёрлаш бўйича оилавий бизнес йўлга қўйилди.³

Бандлик, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг уста-шогирд йўналишида хунар ўрганишларида Олтинқўлнинг Офтобачек маҳалласида Гулчеҳра Расулова 30 нафар шогирдларига тўқувчилик сирларини ўргатаётган бўлса,⁴ Хонободда тадбиркор Ҳайитхон Мирзараҳимова раҳбарлигидаги уста-шогирд ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда.⁵

Избосқандаги Наврўзобод маҳалласининг маслаҳатчиси Зайфура Юсупова “Санамой” ўқув маркази очиб, унда пазандалик, чеварчилик йўналиши бўйича иш бошлади. У “Энг намунали маҳалла маслаҳатчиси” кўрик-танловининг туман босқичида 1-ўрин соҳиби бўлган.⁶

Олтинқўл тумани “Чакқон” маҳалла фуқаролар йиғинида “Оила бизнес маркази”ни ташкил этиш, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш, ишчи ўринларини яратиш айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалари алоҳида эътиборда.⁷

Анджон тумани Найман қишлоғидаги Чўмбоғич маҳалласида М.Холматова, Қорақалпоқ маҳалласидан М.Сиддиқовалар “Устоз-шогирд” йўналиши асосида кўплаб қизларга тикувчилик сирларини ўргатиб келмоқда.⁸

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни маҳалла ҳудудларида изчил ривожлантириш масаласи мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилди.

¹ Andijonnoма. 2014, 21 май

² Iqbol, 2008 йил, 7 август

³ Andijonnoма. 2014, 11 апрель

⁴ Iqbol, 2008 йил, 7 август

⁵ Iqbol, 2008 йил, 17 июль

⁶ Iqbol, 2011 йил, 18 avgust

⁷ Iqbol, 2011 йил, 7 iyul

⁸ Iqbol, 2012 йил, 6 dekabr

2.3. Маҳалла фуқаролари маданияти ва “Обод турмуш йили”

Президент И.А.Каримов 1992 йилдаёқ Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли “аҳолининг миллий-тарихий тумуш ва тафаккур тарзидан халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади”, - деган эди.¹

Шу сабабли, юқорида айтилганидек, 1992 йл 17 октябрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 480-сонли “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарорида “тарихан таркиб топган миллий ва маънавий кадриятларни кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини оммалаштириш, республика аҳолиси ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш” жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида кўрсатиб берилди.

Мустақиллик халқимизнинг асрий урф-одатлари, анъаналарига янгича мазмун берибгина қолмай, жуда кўпларини тиклади, уларни демократик ҳуқуқий жамият қурилишининг муҳим шартларидан бири сифатида қабул қилди, янги анъаналар билан бойита бошлади.

Мустақиллик даврида тарихан соф миллий ва соф исломий урф-одатлар янада уйғунлашиб, анъаналаримизнинг ҳозирги давр кўринишига эга бўлди.

Ҳозирги вақтда маҳаллаларда Рамазон ва Қурбон хайитлари кунларида элга ош бериб, мухтож оилаларга фитр рўза шаклида мурувват кўрсатиш, ҳаж сафарига отланганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қайта тикланган қутлуғ анъаналаримиздан бўлиб қолди. Хатна тўйларини ўтказишда ҳам янгича анъаналар қарор топмоқда. Маҳаллалар, маҳалла жамғармалари, хомийлар бу тўйни ўтказишга қурби етмаган оилалар фарзандлари учун бош-қош бўлиб турмоқдалар, барча ҳаражатларни ўз зиммасига олиб, чиройли тўйлар қилиб бермоқдалар. Масалан, 2004 йилги Наврўз байрамида Андижон вилоятида маҳаллалар томонидан кам таъминланган 550 та оилада хатна ва никоҳ тўйлари ўтказиб берилди.¹

Фуқаролар фаоллигини ошириш, маҳаллани ободонлаштириш, янгича анъаналарни тарғиб қилиш, миллий кадриятларимизни одамлар тафаккурига сингдириш маҳалла маслаҳатчиларининг асосий вазифасига айланди.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 1998, 11-бет.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президент Девони Архиви, Андижон вилояти бўлими, 4141-фонд, 6-рўйхат, 137-йиғма жилд, 13-варақ

Маънавият тарғибот комиссияси вилоят маҳаллаларида фуқароларнинг ҳуқуқий билими, маънавияти, маданиятини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаолиятини ҳамда давлат ислохотларини жойларда амалга ошириш жараёнларида тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил қилмоқда. Ёшлар тарбияси, миллий қадриятларимизни ҳар бир фуқаро онгига сингдиришда, оилавий спортни ривожлантириш ва маҳалла ҳудудида спорт иншоотларини қуриш ва улардан маҳалла аҳолисининг самарали фойдаланишида тизимли тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда миллий анъаналар, урф-одат, маросимларни яратувчи ва сақлаб келувчи, асраб-авайлаб, келажакка элтувчи оила ва маҳаллалардир.

Кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозлари ва талабларига асосан 1998 йил 28 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-маъракалардаги дабдабозликни бартараф этишга қарши Фармони, 2002 йил 28 декабрда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳрамовнинг “Тўй маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида Фатво талаблари” эълон қилинди. Уларда “Маҳалла” хайрия жамғармаси, маҳалла имом-хатиблари, маҳаллаларнинг оқсоқоллари ва фаоллари зиммасига катта масъулият юкланди.

Аёллар ишпирок этадиган тўй олди, тўй ва тўйдан кейин дабдаба билан ўтказиладиган тадбирларнинг зарарлилари таъқиқланиб, бунда маҳалла хотин-қизлари комиссиялари масъул, деб кўрсатилди.

Бу борада, хусусан Андижон маҳаллаларидаги тўй ва маросимлар ўтказиш комиссияларининг тушунтириш ишларига асосланган хизматлари эътиборга лойиқ бўлмоқда.

Агар тўй-маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақидаги Фармон 1998 йил 28 октябрда эълон қилинган бўлса, Президентимиз орадан тўрт йил ўтгач, 2002 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўнг йиллигига бағишланган тантанали маросимда шундай деди:

“Бу қарор эълон қилинган, жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари бироз тартибга тушгандек бўлди. Бироқ, афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди. Менинг таклифим шуки, бу масалани авваламбор маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари турар жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, ўз таклиф ва тавсияларини беришлари лозим”.¹

¹ И.А.Каримов. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси // Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-том, Б.118

Тўй-ҳашам, маърака, маросимлар ва дафн маросимларини камчиқим, ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш тўғрисида Президентимизнинг аҳсус Фармони чиққанига ҳам қарийб 15 йил бўлди. Шундан буён айтиш мумкинки, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича маълум бир тартиб-қоидалар ишлаб чиқилди.

Тўйлар ва турли маросимларни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-ҳаражатларнинг олдини олишда маҳалланинг маслаҳатчи ва фаол фуқароларининг хизмати катта бўлмоқда. Энг муҳими, тўйлар миллий руҳ ва ўзгача файз билан ўтадиган бўлди.¹

Вилоятдаги барча МФЙ лар қошида тўй комиссиялари ҳар бир маросимни маълум бир меъёр асосида, тартибли ва ихчам ўтказиш учун масъул бўлиб, кўрсатмаларини бериб, назорат қилиб боради. Масалан, Андижон шаҳридаги Қаландархона МФЙ да тўйлар қудалар билан келишилган ҳолда бир кунда, ихчам тарзда ўтказилмоқда. Абдувоҳид ака Муллабоев ўғли Зайнобиддинни уйлантириш билан бир қаторда набираси Аслбекнинг ҳам суннат тўйини қўшиб ўтказди. Абдумалик ака Иброҳимов, Орифжон ака Нурматов, Абдулхай Холманов ўтказган тўйларга ҳамманинг ҳаваси келди. Бир кун ичида “юз очди” маросимлари ҳам қўшиб ўтказилиши кўпчиликка манзур бўлмоқда.²

Шу ҳудуддаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, яққа-ёлғизлар, имконияти чегараланган болалар, ногиронларга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки улар 115 нафарни ташкил қилади. Уларнинг ҳолидан хабар олиб туриш, моддий ва маънавий кўмак бериш, байрам хайитларда йўқлашда маҳалланинг қўли очик, саховатли ҳомийлари Нозимжон Маҳбубов, Зафаржон Зулунов, Иброҳим Каримовларнинг беминнат ёрдамлари катта бўляпти.

Маҳалла комиссиялари тўй, маъракани ва улар олдида ҳамда улардан кейин ўтказиладиган бошқа тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказилиши, ортиқча сарф-ҳаражатлар оила турмушида салбий из қолдириши, оилалардаги ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида аҳоли орасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Шаҳрихон тумани Пахтаобод ҚФЙ қарашли “Бег-Бачча” маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Азизахон Асқарованинг таъкидлаши бўйича, истиқлол йилларида маҳалла янги қиёфа касб этиб, ободончилик, аҳолининг фаровон яшаши учун шароит яратилди. Маҳаллада 1332 оила

¹ www.iqbol.uz, 2012 yil 2-avgust

² Қаранг: Andijonno'ma, 2014-yil, 15-fevral

бўлиб тўй-маърака маросимлари, хашар, бунёдкорлик ишларида ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилади.¹

Маҳалла аҳлининг муаммосию, қувончи ва шодлиги Одинахон опани бефарқ қолдирмайди. Отинойи Турсуной опа Ҳоджиматова, Миножатхон Асқароваларнинг кўмаги билан турли хил маросимларни ихчамлаштиришга эришилди. Тўй комиссияси иштирокида камхарж тўйлар қилиняпти. Никоҳланувчилар билан суҳбатлар ўтказилмоқда, тиббий кўриқдан ўтишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.²

2003 йил 29 август – 25 сентябрь кунлари. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб маҳалланинг эзгу анъаналари, урф-одатлари ва ўзига хос оламини акс эттирувчи энг яхши тасвирий санъат асарларининг “Маҳалладан бошланар Ватан” мавзуидаги республика танлови ҳамда танловга тақдим этилган асарлардан иборат бадиий кўргазма ўтказилди. Танловда 500 дан ортиқ, жумладан, андижонлик ижодкорлар ҳам иштирок этди. Кўргазмада ижодкор А.Юнусов ва Ф.Аҳмадалиев “Айвондаги оила” ҳамда “Маҳалладошлар” асарлари учун фахрий 1-ўринни эгалладилар.³

Вилоятнинг барча маҳаллаларида ярашгириш комиссиялари томонидан ҳудудда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, оилаларнинг тўқислиги, уларнинг тинч-тотувлигига боғлиқ эканлиги тўғрисида мунтазам чиқишлар уюштирилмоқда. Ҳудуддаги намунали оилалар, уларда фарзандлар тарбияси, эр-хотинлар ҳамда фарзандлар орасидаги муносабатлар бўйича оммалаштиришга молик масалалар тўғрисида “Andijonoma”, “Iqbol”, “Андижанская правда” ва туман газеталарида мақолалар эълон қилиниб телевидениеда туркум кўрсатувлар ташкил этилди. Фақатгина, 2013 йилда ОАВ саҳифаларида 400 дан ортиқ танқидий-тахлилий материаллар эълон қилинди.⁴

Маҳаллаларда тўй, маъракани ва улар олдидан ҳамда улардан кейинги тадбирларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш, ортиқча сарф-харажатлар оила турмушида салбий из қолдириши, оилалардаги ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон шаҳар Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган “Мадад” гуруҳининг фаолияти бошланганига кўп бўлгани йўқ. Аммо

¹ Қаранг: www.iqbol.uz, 2012 йил 16-avgust

² Қаранг: www.iqbol.uz, 2012 йил 19-aprel

³ Қаранг: Гадоёбоев А. Халқ йўли – ҳақ йўл. –Т.: Янги аср авлоди. 2004, Б.84.

⁴ “Маҳалла” хайрия жамоат жонди Андижон вилоят бўлими жорий архив материалларидан.

асосий хамкори вилоят ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси билан жойларда сезиларли ишларни амалга оширмоқда.

Гуруҳнинг бугунги кунда шаҳардаги 160 та таълим муассасаси ва маҳалла фуқаролар йиғинида 300 дан зиёд аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг ўзида “Мадад” вилоят ички ишлар бошқармаси, маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич ташкилот етакчилари билан биргаликда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим тизими муассасаларида таҳсил олаётган ёшлар билан мунтазам иш олиб бориб, юздан ортиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг очилишига, ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчиликнинг олдини олишга кўмаклашди.¹

Президентимиз И.Каримов томонидан 2013 йил “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниб, 2013 йил 17 февраль ПҚ-1920-сонли Қарор билан “Обод турмуш йили” Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур дастур асосида Андижон вилоятининг “Обод турмуш йили” дастури ҳам ишлаб чиқилди. Бу борада маҳалла идорасининг, маҳаллада яшайдиган аҳолининг ўзини ўзи бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш, унга янги ҳуқуқ ва ваколатлар бериш бўйича ҳам кенг жамоатчилик иштирокида амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

2013 йил мобайнида Давлат дастурида белгиланган вазифалар ўз ижросини топди. Жумладан, янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари лойиҳасига таклифлар берилди.

2013 йил 12 ноябрдан 13 декабрга қадар вилоятда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловлари ўтказилди.

Ўтказилган сайловлар натижасида вилоят бўйича 6 та шаҳарча фуқаролар йиғини, 94 та қишлоқ, жами 868 та маҳалла (шундан, 23 та шаҳарчалардаги, 651 та қишлоқлардаги, 88 та шаҳарлардаги, 106 та шаҳарча, қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига кирмайдиган туманга бўйсунувчи шаҳарлар ҳудудидаги маҳалла) фуқаролар йиғинларининг раислари сайландилар. Сайланган фуқаролар йиғинлари раислари 164 таси муқобиллик асосида ёпиқ овоз бериш йўли билан, 804 нафари очик овоз бериш йўли билан 11 нафар (53 фоиз) фуқаролар йиғини раислари биринчи марта сайландилар.

2013 йил давомида 45 та фуқаролар йиғинлари учун янги бино қурилди ҳамда мавжуд биноларни реконструкция қилинди. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят

¹ Andijonnom, 2014 йил, 22 февраль

бўлими томонидан шаҳар, туманлардаги 269 та маҳалла фуқаролар йиғинлари компьютер жамламалари билан жиҳозланди.

Шунингдек, 79 та маҳалла фуқаролар йиғинларига бир комплектдан мебель жиҳозлари олиб берилди. Бундан ташқари, Пахтакор ҚФЙ ҳудудидаги 14 та маҳалла фуқаролар йиғинлари жами 15 млн. сўмлик ёзув столлари, стуллар в мебель жиҳозлари билан қуроллантирилди.

Вилоятнинг 135 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларига 17 млн 32 минг сўмлик, 51 та ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш, кам таъминланган оилаларга никоҳ тўйларини ташкил этиш ва турмуш шароитларини яхшилашга ижтимоий, моддий ёрдам кўрсатилди.¹

2013 йил 3 декабрь “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан вилоятдаги 37 минг 825 нафар ногиронларнинг оилавий ҳолати ўрганиб чиқилди.

Уларнинг 11 минг 641 нафарига 175 млн 835 минг сўмлик, шундан, фонд вилоят бўлими ошқаруви томонидан 7 млн 529 минг сўм, ҳомийлар томонидан 105 млн 286 минг сўм, фуқаролар йиғинлари томонидан 6 млн 320 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.² Шунингдек, 49 нафар ногиронларга 49 та ногиронлар аравачалари, 19 нафарига эшитиш мосламалари, 42 нафарига хасса, қўлтиқтаёқлар олиб берилди.³

Рўйхат асосида вилоят “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” ЁИҲ нинг туман, шаҳар бўлинмалари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳоким ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмитаси раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла фаоллари билан биргаликда кам таъминланган оила вакилларига “Президент совға”лари топширилди.

Вилоят бўйича жами 3 минг 138 та ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган оилалар, ногирон, яқка ёлғиз, боқувчисини йўқотган, чин етимлар, меҳнат фахрийлари, улуғ ватан уруши қатнашчиларига 115 млн 494 минг сўмлик совғалар улашилди.⁴

“Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг вилоят босқичи 2013 йилнинг 2 август куни бўлиб ўтди. Унда Жалақудуқ туманидаги “Кўртқи” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Қорасув шаҳридаги “Бўрихон Аҳмедов” номли маҳалла фуқаролар йиғини 2-ўринни, Пахтабод тумани “Кўктўнлик” маҳалла фуқаролар йиғини 3-ўринни эгаллаб, мукофотлар билан

¹ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими жорий архив материалларидан

² Ўша жойда, 17-варақ

³ Ўша жойда, 19-варақ

⁴ Ўша ерда, 22-варақ

тақдирландилар. Танловда иштирок этган 14 та фуқаролар йиғини эсдалик совғаларига сазовор бўлди.¹

2013 йилнинг 6 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги Туркистон саройида “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

Тадбирда танловнинг вилоят босқичи ғолиби бўлган Жалакудук туманидаги “Кўртқи” маҳалла фуқаролар йиғини иштирок этди ва фахрли 3-ўринни қўлга киритди.

2013 йилнинг апрель-май ойларида “Энг намунали диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” кўрик-танловининг шаҳар, туман босқичларида Андижон шаҳридаги “2-сон”, Хонобод шаҳридаги “С.Меҳмонов” номли, Андижон туманидаги “Дўстлик”, Асака туманидаги “Қорақий”, Балиқчи туманидаги “Товулди”, Булоқбоши туманидаги “Тинчлик”, Бўз туманидаги “М.Жавлонов” номли, Жалакудук туманидаги “Ғозичеки”, Избоскан туманидаги “Т. Мамажонов” номли, Пахтабод туманидаги “Ёлғизбоғ-2”, Олтинқўл туманидаги “Айшахонум”, Марҳамат туманидаги “Бозорбоши”, Хўжабод туманидаги “Нишонбўйи”, Улуғнор туманидаги “Сариқсув”, Шаҳрихон туманидаги “Шеркўрғон”, Кўрғонтепа туманидаги “Тошматов” номли маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ғолибликларни қўлга киритилар.

Танловнинг вилоят босқичида Балиқчи туманидаги “Товулди” маҳалла фуқаролар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи 1- ўринни, Олтинқўл тумани Айшахонум маҳалла фуқаролар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи 2- ўринни, Пахтабод тумани “Ёлғизбоғ-2” маҳалла фуқаролар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи 3-ўрин мукофотлар билан тақдирланди.

2013 йилнинг 2 июль куни ўтказилган танловнинг республика босқичида Балиқчи туманидаги “Товулди” маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси 3-ўринни эгаллаб, принтер, нусха кўчириш ва сканер аппаратлари жамламаси (3x1) билан тақдирланди.

Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги энг намунали “Ота-оналар университети” кўрик-танлови ўтказилди. Танловда Пахтабод тумани “Қумшайдон” МФЙ раиси З.Собиров вилоят босқичида 1-ўринни қўлга киритди. 2013 йилнинг 2-чорагида Маънавий тарғибот маркази, “Камолот” ЁИХ вилоят бўлими Кенгаши билан биргаликда “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловининг вилоят босқичи 2013 йилнинг 4- чорагида

¹ Ўша жойда, 23-варақ

ўтказилиб, танловда Булокбоши тумани “Маҳалла” фонди бўлинмаси бош мутахассиси М. Сотволдиева фахри 1- ўринни қўлга киритди.¹

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақиллик халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаб, уларга янгича мазмун берибгина қолмай, янги анъаналар билан бойита бошлади. Ушбу жараён айниқса маҳаллаларда қизгин кечди.

III БОБ. МАҲАЛЛА – ТАРБИЯ МАСКАНИ

3.1. Оила, маҳалла ва таълим тизимининг ёшлар тарбиясидаги ҳамкорлик механизми

1997 йил 6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия ва Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги фармони билан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш сиёсатининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий тараққиётни юксалтиришга мўлжалланган стратегик йўлини амалга ошириш халқ хўжалигининг барча тармоқларини етук, ватанпарвар, миллатпарвар мутахассис кадрлар билан таъминлаш вазифасини ифода этади.

Республикада олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг барча йўналишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Айниқса, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сиёсати ёки давлат ҳокимиятининг “мактаб сиёсати” устувор равишда амалга оширилмоқда.

Вилоятларда ва туманларда “Оила, маҳалла ва мактаб” таълим тизими ҳамкорлик механизмининг шаклланишида қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркор ва фермерларнинг ҳиссаси катта бўлди. Уларнинг ёрдамида 43 та мактаб биноси тубдан қайта таъмирланди. Шаҳрихон туманидаги “Ривож” фирмаси 350 ўринли, Олтинқўл туманидаги “Сувюлдуз” фермер хўжалиги 320 ўринли, Андижон туманидаги “Мустақиллик” фермер хўжалиги томонидан 240 ўринли янги ўқув бинолари қуриб берилди.¹

¹ Ўша ерда, 25- варақ

¹ Каримов И.А. Андижон аҳлининг ташаббускорлиги, азму шижоати ва жасоратини халқимиз юксак кадрлайди. ANDIJONNOMA: 2003 йил, 5 декабрь

Баркамол авлодни тарбиялашда оила ва маҳаллаларнинг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг долзарб ижтимоий вазифалардан ҳисобланади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги “Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 175-сонли Қарори асосида “Маҳалла хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими томонидан “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмини кучайтириш юзасидан чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди”.¹

Режага биноан “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик жамоат кенгашлари тузилди ҳамда “Оталар мажлиси”ни ўтказиш тартиби ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

2012-2013 ўқув йилида 542, 578 нафар оталар иштирокида вилоят таълим тизимининг бошланғич синфларида “Бола тарбияси – келажак меваси”, юқори синфларида “Илм ол – ҳунар ўрган”, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда “Танлаган касбинг – сенинг келажагинг!” мавзуларида жами бўлиб 9 минг 414 марта маърузалар, мунозара ва давра суҳбатлари ўтказилди.³

Тумандаги 29-умумтаълим мактабида даволатнинг яхшиланишига Эски Ҳаққулбод қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида истиқомат қилаётган тажрибали педагог Олимжон Аҳмедов бошчилигидаги фахрий педагоглардан иборат “Мадад” гуруҳи ёрдам берди.

Ўнга яқин устозни бирлаштирган гуруҳ аъзолари маҳаллаларда бўлишиб, ота-оналар, ўқувчилар билан суҳбатлашдилар. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган ўқувчиларни қишки кийим-бош ва ўқув қуроллари билан таъминлашга ҳомийлар тайин қилишди. Ҳар бир ўқувчига маҳалласида яшаётган олий маълумотли мутахассис кишилар масъул қилиб тайинланди.

Олимбек қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган яна бир жамоатчилик “Мадад” гуруҳи 16-мактабни мукамал таъмирлаш ишларида фаол ёрдам берди – дейди “Нуроний-устоз” жамғармаси туман кенгашининг раиси Турғунбой Ўрмонов. Бу мактабдаги ишлар бир неча йиллардан бери асоссиз равишда чўзилиб келаётган эди. Оқсоқоларимиз ишнинг боришини пухта ўрганиб чиқишди. Туман ҳокими керакли ёрдамни бериб, мактабнинг янги ўқув йилига янги қиёфада киришини таъминлади.

¹ “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими бошқаруви иш режаси.

³ Тадқиқотчининг мониторинг маълумотлари асосида чиқарилган ҳисоб-китоблари.

Тумандаги тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғинларида “Маҳалла” жамғармасининг ана шундай мадад гуруҳлари фаол иш олиб бормоқдалар. Уларнинг таркибига жалб қилинган саккиз юз нафардан ортиқ фахрий педагоглар олтмишга яқин мактабда ўқув-тарбия ишларининг амарали бўлишига, давоматнинг яхшиланишига, мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлигининг мустаҳкам алоқада бўлишига ёрдам бермоқдалар.¹

Балиқчи тумани Хўжаобод МФЙ га қаршли “Қахрамон” маҳалласи тумандаги намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади. Маҳалла ҳудудида жойлашган ўқув юртлари, ижтимоий йўналишдаги ташкилотлар билан ҳамкорликда “Соғлом авлод – келажак пойдевори”, “Маҳалла обод, юрт обод”, “Тиббий кўрик – саломатлик гарови”, “Огоҳлик – давр талаби” мавзуларида маънавий-маърифий мулоқот, таълим-тарбиявий суҳбатлар олиб бормоқдалар.²

Андижон шаҳри 24-умумтаълим мактабида ўтказилган ота-оналар йиғилишида вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов қатнашди. Вилоятимиз раҳбари мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига мустақилликнинг илк давриданок катта эътибор қаратилаётгани, уларнинг жисмонан кучли, мустаҳкам билимли ва бахтли бўлишлари масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Андижон шаҳрида очик мулоқот ва ўзаро фикрлашув тарзида ўтган йиғилишларда 350 мингдан зиёд оталар ҳамда шаҳар МФЙ фаоллари иштирок этди. Тадбирларда “Мактаб-маҳалла-оила” ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишига алоҳида эътибор қаратилди.¹

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларида таълим олаётган (жами 542 578 нафар) ўқувчиларнинг давоматини назорат қилиш мақсадида давлат ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигида 868 та фуқаролар йиғинларида 868 та жамоатчилик гуруҳлари тузилди.

Гуруҳлар томонидан 870 та таълим муассасаларида “Ўқувчи”, “Давомат” махсус рейдлари ташкил этилди. Рейд давоматида таълим муассасаларидаги машғулотларга 167 нафар ўқувчилар сабабсиз келмаётганлиги аниқланиб тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Масалан, Балиқчи туманида фаолият кўрсатган жамоатчилик гуруҳи ўз хизмат вазифасига кўра “Мадад” деб номланди.

Вилоятдаги 868 та фуқаролар йиғинлари ёш авлодни тарбиялаш бўйича ота-оналарнинг ҳуқуқий, маънавий ва тиббий билимларини ошириш мақсадида “Ота-оналар университети” ташкил топди. “Университетлар” фаолияти самарадорлигини ошириш

¹ Қаранг: Nuroliy, 2014 yil, 24-yanvar

² Ўша жойда.

¹ Қаралсин: Andijonpoma, 2014 йил, 29-январь

мақсадида “Оила” ҳамда маънавий тарғибт марказлари вакилларининг маърузалари тинглашиб, ўқув семинарлари ўтказилди.¹

Ёш ота-оналарнинг фарзандларини баркамол тарбиялаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш мақсадида “Ота-оналар мактаби” ташкил этилди.

Ушбу йўналишда 870 та таълим муассасалари ва 868 маҳаллаларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Оила - муқаддас тушунча”, “Оилавий анъаналар”, “Ота ва она – оила таянчи”, “Оилада шарқон садоқат” мавзуларида суҳбатлар ва савол-жавоб кечалари (жами 5012 та) ташкил этилди. Уларда 150 381 нафар аҳоли ва ёшлар иштирок этди.²

2013 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйлаб 252 та нотинч оилаларда тарбияланаётган 271 нафар вояга етмаган ёшлар таълим муассасалари раҳбарлари билан ҳамкорликда спорт ва фан тўғаракларига жалб этилди.

Ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни ўз қизиқишлари бўйича касб-хунарга йўналтириш ва спортга жалб этиш тадбирлари амалга оширилди. Натижада, минглаб ёшларнинг фан тўғараклари, спорт секциялари, мусиқа ва санъат тўғаракларига иштироки таъминланди.

Жамоатчилик вакилларида ташкил топган махсус гуруҳлар томонидан ўқувчи-ёшларнинг дарс ва тунги вақтларда “Интернет-кафе” ва “Компьютер клублари”да бўлиши, маънавий-ахлоқий бузукликни тарғиб этувчи сайтларга кириши ҳолатларини аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича мунтазам рейдлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, эрта никоҳларнинг асоратлари, тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг афзалликлари, соғлом турмуш тарзи тамойиллари тўғрисидаги мавзуларда ўрта ва олий таълим муассасаларида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ушбу мавзуларда рисола ва мақолалар тайёрланиб, аҳолига етказилди. Маҳаллий телевидение, газеталарда кўрсатув ва мақолалар чоп этилди.

Анджон ш. Дархон маҳалласида қизларни турмушга тайёрлаш, хунарга, касбга йўналтириш борасида маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Қизлар одоби, ҳаёси, ораста-саришгалиги каби мавзуларда “Қиз қалби”, “Очил дастурхон”, “Остонаси тиллодан” каби давра-танловлар уюштирилмоқда.³

¹ Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари учун ўтказилган семинар йиғилиши материалларидан, 2013 йил.

² Ўша жойда.

³ Andjonnoma, 2014 йил, 5 март

Ўқувчи-ёшлар орасида миллий менталитетимизга зид салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот ишларига эътибор қаратилмоқда. Мактаб, коллеж ва лицейларда таълим олаётган диний оқимга мансуб 542 нафар оила фарзандларига 614 нафар тажрибали ўқитувчилар ва маҳалла фаоллари бириктирилди. Уларнинг 482 нафари фан тўғарақлари, 60 нафари эса спорт секцияларига жалб қилинди.¹

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилояти ва шаҳар бўлимлари, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси Андижон давлат университети билан ҳамкорликда 69 та касб-хунар коллежларида “Оила-жамиятнинг муҳим бўлаги”, “Маънавият оиладан бошланади” мавзуларида давра суҳбатлари ҳамда ФХДЁ органлари ишгирокида “Бахтли оила – маҳалла кўрки” мавзусида кўргазмали тадбирлар ўтказилди. МФЙ лардаги намунали оилалар вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди²

Диққатга сазовор тадбирлардан бир Бобур номли кутубхонада “Озод юртнинг обод оиласи” мавзусида ўтказилган китобхонлар беллашуви бўлди.

Таълим даргоҳларида Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Қамчибек Кенжа, Хуршидабону, Фарид Усмон каби ижодкорлар билан учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда.

Андижон туманининг Орол қишлоқ фуқаролар йиғинига қаршли Маориф маҳалласида 700 га яқин ёшлар бор. Қишлоқ ўрамидаги педагогика ижтимоий-иқтисодий коллежини ҳар йили юзлаб ўқувчи битиради. 2013-йилда уларнинг 40 нафари банклар томонидан ўз бизнесларини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар олишга ҳужжат тайёрлаган. Лойиҳалари қишлоқ инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда тикувчилик, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчиликни ривожлантиришга йўналтирилган.

Орол қишлоқ фуқаролар йиғинида коллеж битирувчиларнинг аксарияти бошланғич таълим мутахассислари бўлганлиги сабабли қишлоқдаги мактаблар уларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш имкониятига эга эмас. Бунда қишлоқ инфратузилмаси ҳисобга олинмаган.

Қишлоқларда ишлаб чиқариш корхоналари ва давлат муассасаларининг камлиги туфайли, аҳоли бандлиги ва ишга жойлашишдаги имкониятлари анча чегараланган. Бу ҳудудда асосий меҳнат соҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлиб, 500 га яқин ёшлар томорқаларда, боғларда, фермер хўжаликларида меҳнат билан банд. Бундан ташқари хорижда ишлаётган фуқаролар ҳам анчагина.

“Орол-текст” хусусий корхонасида 10 нафар қиз иш билан таъминланган ва улар ички бозорни табиий матодан тайёрланган аёллар ва болалар либосларига бўлган

¹ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими жорий архив материалларидан.

² Ўша жойда.

талабини қондирмоқда. Ёш тадбиркор Носиржон Маъмировнинг “Алпомиш” тикув сеҳида эса 32 нафар қиз иш билан таъминланган. Лекин, қишлоқ ёшларини, хусусан уюшмаган ёшларни бандликка, яхши ишларга йўналтириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар етарли эмас.¹

Асака туманида 73 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, ҳар бир ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳузурида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат марказлари фаолият юритмоқда. Ушбу маслаҳат марказлари фаолиятининг самараси катта бўлмоқда. Марказ фуқароларга имтиёзли кредитлар ажратишда амалий кўмак бермоқда. Хусусан, бевосита маслаҳат маркази ёрдамида Истиқлол МФЙ да истиқомат қилувчи М. Ўрозова тикувчилик сеҳи ишга тушириш учун 50 млн сўм кредит олишга муваффақ бўлди ва 26 нафар ёшларни иш билан таъминлади. Ушбу маслаҳат марказлари фаолиятининг яхши ташкил этилганлиги натижасида Асака шаҳридаги оилавий тадбиркорлар 2013-йилги 60 тадан 2014 йил биринчи ярим йиллиги ҳолати бўйича 193 тага етди. Жами 302 янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш соҳалари ихтисослашиб, эргашободда касаначилик, Қўнғиротда томорқа хўжалигидан фойдаланиш, Намуна-Бўстонда кўрпа-тўшак тикиш, гилам тўқиш, Ўзбекистон маҳалласида пичоқчилик, темирчилик, мебел ишлаб чиқариш кенг авж олган.

2013-йилда маслаҳат маркази томонидан Асака туманидаги 73 та МФЙ да 300 га яқин учрашув ва давра суҳбатлари, ҳар бир маҳаллада ўқув семинарлари ташкил этилди. Маслаҳат марказларининг йўлланмаси билан уйда ўтириб, миллий ва замонавий либослар тикиш билан шуғулланадиган маҳаллий чеварларга 840 нафар ёш бириктирилди.²

Баркамол авлодни тарбиялашда Андижон оила-маҳалла ва таълим муассасалари ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар, ютуқ ва тажрибалар республика телевидениеси, марказий газеталарда мунтазам қайд этиб борилмоқда.

3.2. Ёшлар тарбияси ва спорт ишлари

Мустақиллик йилларида республикада маҳалланинг янада ривожланишига унинг равнақ топишига гуллаб – яшнашига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий ва маънавий кадриятларни эъозлаш ва изчил тарғиб қилиш халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалашпириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда маҳалланинг ўрни ва роли каттадир.

¹ Андижоннома, 2014 йил 21-июн.

² Андижоннома, 2014 йил 21-июн.

Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий кадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар холидан хабар олиш, етим- есирларнинг бошини силаш, туй-томоша, хашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслахат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган.

Президент Ислам Каримов мураккаб иқтисодий ва сиёсий шароитда Ўзбекистоннинг ўз имкониятлари, шароитларини сарҳисоб қилган ҳолда республика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш принципларини ишлаб чиқди. Ва у жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилиб, *Ўзбек модели* номини олди.

Юртбошимиз ушбу моделнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафқурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборат эканлигини таъкидлаган эди.¹

Ўзбек моделига мувофиқ мамлакатда маънавий-руҳий покланиш, миллий кадриятларни тиклаш, ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш ва амалиётга жорий этиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Республикамизда ёшлар тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор берилган ва бу эътибор қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ бугунги глобаллашув жараёнларида турли маънавий таҳдидларнинг ёшларимиз онги ва дунёқарашига салбий таъсири кузатилмоқда. Буни маҳаллалардаги ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммолар вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва уларнинг ғайриижтимоий фаолияти, фахш, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қиладиган мазмундаги материалларни тарқатиш, тамаки ва алкогольли маҳсулотларни истеъмол қилиш, диний-экстремистик фаолиятга жалб қилиниши ёки миссионерлик фаолиятини амалга оширишга йўналтириш, ноқонуний ишбилармонликка жалб қилиш каби салбий иллатларда кўриш мумкин. Ушбу таҳдидларни ёшларимиз онгига кириб бормаслигини таъминлашда ёшлар ташкилотларининг ўрни беқиёс. Айниқса, улар ёшлар сиёсатининг муҳим таркибий қисми

¹ И.А.Каримов. мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2010, Б. 4

бўлган маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда маънавий ва маърифат фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар, хотин-қизлар кўмиталари, “Маҳалла”, “Олтин марос”, Амир Темур жамғармалари ва бошқа ташкилотлар билан амалий, узвий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ёшларни иш билан таъминлашда бошқа жамоат ташкилотлари, жумладан, Хотин-қизлар ташкилотлари, “Тадбиркор аёл” ассоциацияси, “Маҳалла” жамғармалари катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда.

1994-йил ЮНЕСКО томонидан “Оила йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан шаҳар ва туман маҳаллаларида “Намунали оила” кўрик-танловлари, “Оилани асранг” мавзусида давра суҳбатлари, балоғат ёшидаги қизлар учун “Қизлар ҳаётга тайёرمىсиз?” мулоқот даврлари каби тадбирлар ўтказилди. “Оила” илмий-услубий маркази фаолият юрита бошлади.¹

1994-1995 йилларга мўлжалланган “Экология ва саломатлик” тадбирларида соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар, соғлом турмуш тарзини яратиш, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993-йил 20-сентябрдаги 475-сонли “Экология ва саломатлик икки йиллигини ўтказиш” борасида белгиланган тадбирларни амалга оширилиши вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари, экологик декада ва шанбаликлар, маъруза ва семинар, танловлар ва ҳайрия тадбирлари, экспонатлар кўргазмаларининг уюштирилиши таомилга айланди. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, ичимлик суви сифатини яхшилаш бўйича қатор тадбирий чоралар кўрилди.

“Тоза сув” дастури асосида кенг қмровли сув муҳофазасига доир тадбирлари ўтказилди. “Тоза ҳаво” дастурига кўра эса вилоятда 1991-1995-йилларда 42,5 млн. туп мевали мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилди, яни ҳар бир фуқаро ҳисобига 24,48 м кв. Кокаламзорлаштирилган майдон тўғри келади².

Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш мақсадида ўқув жараёнига “Иқтисод ва экология”, “Табиат, жамият ва экология” фанлари киритилди. Андижон шаҳрида “Фарғона водийсининг аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш муаммолари” га бағишланган илмий-амалий конференция (1995 й., 28-июн), “Экология ва ҳуқуқ” мавзуида семинар-кенгашлар чақирилди³.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви, Андижон вилоят бўлими, 4141-фонд, 11-рўйхат, 81-йўлжа жилд, 25-26-варақлар.

² ЎЗР ПДА, АВБ, 4141-ф., 6-р., 80- йўлжа жилд, 31-32 варақлар

³ Ўша жойда.

“Екология ва болалар” мавзuida (Нукус ш.) республика танловида қатнашаган 12 нафар андижонлик ўқувчидан 5 нафари ғолибликни қўлга киритди¹.

Соғлом авлодни тарбиялашга йўналтирилган тадбирларда асосий эътибор уй-ҳовли, маҳалла, шаҳар ва қишлоқларнинг озода-ораста бўлишига қаратилди. Масалан, “Енг тоза ўқув юрти”, “Енг ораста дўкон”, “Енг покиза шифохона” каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказилиб турилди².

Вилоят ҳудудига ташқаридан келиб тарқаладиган карантинли ва ўта хавфли юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида 2000-йилда аҳолини эмлаш учун 48 млн 700 минг сўмлик зарурий вакцина, зардоблар сотиб олинди. Аҳолини тоза ичимлик сувга бўлган талабини қондириш, вилоятда санитария ҳолатини яхшиланиши учун вилоят маҳаллалари, туман-шаҳар-вилоят босқичларида тозалик ва ободонлаштириш кўрик-танловлари ўтказилиши натижасида юқумли ошқозон-ичак касалликлари тарқалишининг олди олинди, тадбирлар ўтказилди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи, юқумли касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ишига тиббиёт ходимлари билан бир қаторда вилоят “Маҳалла” жамғармаси ҳам, туман ва шаҳар ҚФЙ ва МФЙ лари ҳам салмоқли хисса қўшмоқда.

Бугун юртимизда бўлганидек, Андижонда ҳам мустақиллик йилларида илм-фан, таълим-тарбия, маданият масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун Андижон вилояти аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини ёшлар ташкил этмоқда. Шундан келиб чиқиб навқирон авлод вакилларининг билим олиши, касб-хунар ўрганиши, илм-фан, санъат ва спорт соҳаларида ўз истеъдодларини намоён этиш ва рўёбга чиқариш учун барча шароитлар яратилди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизни янгилаш жараёнида фуқаролик институтлари жумладан, ўзини ўзи бошқариш институтининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан маҳалла тарихини тизимли равишда ўрганишни ташкил этиш орқали ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш ҳамда маҳаллаларни ривожлантириш мақсадида беллашувлар ташкил этилди.

Халқаро оила кунига бағишлаб вилоятимиз марказидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси,

¹ Ўша жойда, 33 –варақ.

² Ўша жойда, 33 –варақ.

маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ ҳамда хунармандлар уюшмаси вилоят бўлимлари, билан ҳамкорликда «**Мустаҳкам оила жамият таянчи**», деб номланган фестивал ўтказилди.

Фестивал доирасида шаҳар ва туманларда ўтказилган «*Энг ибратли оила*», «*Энг пазанда оила*», «*Энг хунарманд оила*», «*Энг спортчи оила*», «*Энг аҳил оилавий ансамбль*», «*Энг намунали қайнона-келин*» кўрик-танловлари-нинг ғолиблари бугунги финал баҳсларида учрашдилар.

Ибратли оила вакиллари ўзларининг хунамандчилиги, тадбиркорлиги, санъатсеварлиги ва спортсевар оила эканликларини намойиш қилдилар. Ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчиларининг китобхонлиги, саранжом-саришғалиги, ободонлаштиришга бўлган эътибори, илм ва хунарга муносабати, пазандачилигини муносиб тарзда баҳолаб бордилар.

Пахтаободлик Олтиной Бўронова оиласи билан уруғ етиштириш бўйича тадбиркорлик билан шуғулланади. Избосканлик М. Даминов, хонободлик М. Нажмиддиновлар оиласи, жалқудуқлик Б. Бегматовлар оиласи ҳам пазандачилик борасида барчага ўрнатилган бўлдилар¹.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000-йил 15-февралдаги фармонида биноан “Соғлом авлод учун” Давлат дастури қабул қилинди. Дастурнинг асосий мақсади оилада юсак маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиш ва ҳар томонлама камол топшиш учун шароитлар яратишдан иборат эди.

Болалар парвариши бўйича “Ёш оналар мактаб”лари фаолият кўрсата бошлади. Дастурни рўёбга чиқариш мақсадларида 2000 йил ноябрида Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Проктер энд Гембл” компанияси ва “Соғлом авлод учун” жамғармалари ҳамкорликда илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Андижон шаҳридаги умумтаълим мактабларининг 6-синф ўқувчи қизлари, шунингдек, уларнинг оналари учун 2001-йили март ойидан “Балоғат даври” ўқув дастури бўйича машғулотлар ташкил этилди.

Ушбу йўналиш бўйича вилоятда 2000 йил давомида соғлиқни сақлаш ходимлари ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида 400 дан зиёд давра суҳбатлари, 450 дан ортиқ учрашувлар ташкил қилинди. Юқори синф ўқувчилари ўртасида “Жинсий ҳаёт ва репродуктив саломатлик”, “Никоҳ ва оила тушунчаси”, “Оила аъзоларининг ҳуқуқ ва

¹Қаранг: Andijonno'ma, 2012-yil, 16-may

бурчлари” мавзулари бўйича давра суҳбатлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи турли тадбирлар ташкил этилди.

Вилоят “Оила” маркази билан ҳамкорликда ўқувчи қизларнинг маънавий, тиббий ва психологик томонларини ўрганиш бўйича махсус сўровномалар тузилиб, қатор мактаблар фаолияти ўрганиб чиқилди.

Аҳоли ўртасида маънавий, тиббий, ҳуқуқий тарбияни кучайтиришда «*Бир зиёли беш оилага маънавий ҳомий*» маърифатпарварлик ҳаракати борасида муайян тажриба тўпланди ҳамда бу тажриба республикамизнинг бошқа вилоятларида оммалаштириш учун тавсия қилинди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олиш, уларнинг турли диний оқимларга кириб қолишларини олдини олиш мақсадида маҳаллалар ва таълим масканлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Ҳамкорликда турли тадбирлар, семинар-тренинглари уюштирилмоқда. Хусусан, Асака педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежида “Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва назоратсизликнинг олдини олиш” мавзуга бағишланган тадбирлар ўтказилди. Тадбирдан мақсад келажакимиз бўлган ёшларимизни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, таълим тарбия олишлари учун кенг имкониятлар яратиш, уларнинг назоратдан четда қолишларининг олдини олишдан иборат бўлди. Тадбир якунида коллеж ўқувчилари томонидан мавзуга оид саволларга жавоблар олинди.¹

Бундан ташқари диний комиссиялар ҳамда маҳалла маслаҳатчилари фаолияти билан боғлиқ масалалар Андижон вилоят ва шаҳар ҳокимликлари томонидан мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда. Навбатдаги йиғилишда Андижон, Жалолқудуқ ва Марҳамат туманлари маҳалла маслаҳатчиларининг хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.²

Жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш ишида зиёлиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Андижон шаҳридаги 73 нафар маҳалла фуқаролар йиғинига Бобур номидаги Андижон давлат университетининг 73 нафар профессор-ўқитувчиси бириктирилган бўлиб, улар маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарияти билан ҳамкорликда маҳаллаларда ижтимоий сиёсий, маданий-маънавий, мафкуравий соҳаларда тизимли, мунтазам иш олиб бормоқда.

Вилоятда янги типдаги мактабгача тарбия муассасалари фаолият кўрсата бошлади. Маҳаллалардаги «Хонадон боғчаси» ҳамда хусусий боғчаларда асосий эътибор

¹ Andijonnoma, 2012 yil, 16 may.

² Iqbol, 2008-yil, 7-avgust.

кичкинтойларнинг саводини чиқаришга, уларга хорижий тилларни ҳамда миллий хунармандчилик сирлари ва компьютер илмини ўргатишга, асосийси – миллий кадрятларга асосланган тарбия беришга қаратилди.¹

Андижон машинасозлик институти қошидаги Бўстон академик лицейида таълим, фан, маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши, Бўстон, Ишчилар, 6-сон МФЙлари билан ҳамкорликда «*Онам айтган аллалар*» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Унутилаётган алла ва ёр-ёрларни маромига етказиб ижро этган 3-босқич ўқувчиси Нилуфархон Абдувалиева кўрик-танлов ғолиби бўлди. Шунингдек, 6-сон МФЙда яшовчи 3. Қосимовлар оиласи, Бўстон МФЙдан О.Абдурахмоновлар оиласи, Ишчилар МФЙда яшовчи Н. Ёқубовлар оиласи ҳам танловнинг турли номинациялари бўйича ғолиб, деб топилди.²

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши VIII сессиясида (1998 йил 25 июнь) спорт соҳасидаги эришилган ютуқлар салмоқли эканлиги билан бир қаторда спортнинг оммавийлигини таъминлаш эътибордан четда қолиб кетаётганлиги алоҳида қайд этилди.³ Ушбу мақсадларда аҳоли саломатлиги, ижтимоий таъминот, фан-маданият соҳалари билан бир қаторда жисмоний тарбия ва спорт ривожига маҳаллий бюджетдан 3 млн. 337 минг сўм миқдорида маблағ сарфланиши режалаштирилди.⁴

Вилоятда футбол билан шуғуланувчилар 1998 йилга келиб 35 879 тани ташкил этган бўлса, улардан 8 880 нафари болалар ва спорт мактаби ўқувчилари эди. Ёшларга 100 та футбол-лицей интернатлари, 21 ўйингоҳ, 585 футбол майдони хизмат кўрсатди.⁵

Андижон вилоятида 1998-2005 йилларгача бўлган даврда футболни янада оммавийлаштириш ва ривожлантириш юзасидан Дастур ишлаб чиқилди. Дастурнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлашга вилоят жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамғармаси, “Соғлом авлод учун”, “Камолот” вилоят бўлимлари сафарбар этилди.⁶

Ушбу оммавий-ташкилий ишлар натижаси ўлароқ «Футболимиз келажаги» турнири 2000 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви, Андижон вилоят бўлими, 4141-фонд, 13-рўйхат, 43-йиғма жилд, 71-варақ.

² Andijonno'ma, 2012-yil, 16-may.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви, Андижон вилоят бўлими, 4141-фонд, 13-рўйхат, 43-йиғма жилд, 71-варақ.

⁴ Ўша жойда, 79-80-варақлар.

⁵ Ўша жойда, 43-йиғма жилд, 23-26-варақ.

⁶ Гадоёбоев А. Халқ йўли – ҳақ йўл.-Т.: Янги аср авлоди, 2004.

«Обод маҳалла йили» дастури доирасида маҳаллаларда спортни, айниқса ёшлар спортини ривожлантириш ишларига катта эътибор қаратилди. Вилоят «Маҳалла» жамғармаси ва унинг бўлинмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллаларда ёш авлодни мунтазам спорт билан шуғулланишларини таъминлаш ва турли йўналишлардаги спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилишининг асосий ташкилотчиси бўлди. Бу мусобақаларнинг биринчи босқичи маҳаллаларда ташкил этилди. Мусобақаларнинг туман ва шаҳар босқичларига 4 мингдан ортиқ оила йўлланма олди. Вилоят босқичи мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини 213 нафар оила қўлга киритди. Мустақиллик йилларида аёлларнинг оммавий спорт мусобақаларида иштирокининг кескин ўсиши ўзини ўзи бошқариш органларининг ютуқларидан бири ҳисобланади. 2004 йилнинг 20 февралидан 20 мартга қадар 8-Март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Андижон вилоят, шаҳар ва туманларда волейбол, стол тенниси, енгил атлетика, сузиш, каратэ, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини ошириш бўйича иш олиб борилди. Бу тадбирларда спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, 2250 дан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди.¹

Спортнинг миллий ва белбоғли кураш бўйича ташкил этилган «Маҳалламиз паҳлавонлари» турнири ўзбек миллий спортини ривожлантиришда, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Андижон шаҳрининг Бўстон даҳасидаги «Бургут» маъсулияти чекланган жамият тизимидаги болалар футбол мактабининг ўйингоҳида «Ал-Бухорий» номли маҳалла ҳудудида яшовчи вояга етмаган ёшлар ўртасида 9-май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган спорт мусобақалари ўтказилди. Мазкур тадбирда хаваскор-велосипедчилар, енгил атлетикачилар, шахмат-шашкачилар, арқон тортувчилар, футболчилар беллашдилар. Мусобақада маҳалланинг «Дўстлик» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.²

Мусобақаларда 14 вазн тоифасида 1989-1991 йилларда туғилган ўғил ва қиз болалар ҳамда 60 ёшдан юқори бўлган фахрийлар, жами 270 нафар полвонлар финал босқичида куч синашдилар. 2013 йилнинг 24 июль куни ўтказилган «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнири мусобақаларининг 3-босқич ўйинларида шаҳар, туман босқичларида ғолиб бўлган 102 нафар курашчи иштирок этди. Вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган курашчилар – Андижон шаҳридан Раҳматулло Юлдашев, Жалақудуқ туманидан Д.Сотволдиев, Асака туманидан А.Усмонов, Хўжаобод туманидан М.Мадрахимова, М.Восилжонова, Марҳамат туманидан М.Адхамовалар мусобақанинг республика

¹ Андижон вилоят «Маҳалла» жамоат фонди жорий архив материалларидан.

² Andijonno'ma, 2012 yil, 16 may.

босқичида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритдилар. Республика босқичи Навоий вилояти Навоий шаҳрида ўтказилиб, унда умумий жамоа ҳисобида 2-ўрин қўлга киритилиб, кумуш медаллари билан тақдирланди.¹¹

Бундай спорт тадбирлари вилоятда мунтазам давом эттирилмоқда. Навбатдаги республика босқичида Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани «Янги ҳаёт» маҳалласидан Юсуфжоновлар оиласи фахрли 3-ўринга сазовор бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан маҳалла тарихини тизимли равишда ўрганишни ташкил этиш орқали ёшларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш ҳамда маҳаллаларни ривожлантириш мақсадида беллашувлар ташкил этилди. 2013 йилнинг 22 июнидан маҳалла ёшлари ўртасида ўтказилган «Маҳаллам тарихини ўрганаман» кўрик-танловининг вилоят босқичида Булоқбоши туманидаги «Шарқ Юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғини биринчиликни эгаллади.³ Навбатда Андижон, Фарғона ҳамда Наманган вилояти жамоалари Оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлик механизмини кучайтириш борасидаги шартлар асосида беллашдилар.

2014 йил мамлакатимизда “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши ҳар жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган, “Она ва бола йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Оила йили”, “Обод маҳалла йили” каби номлар билан аталган ўтган йиллардаги давлат сиёсатининг мантиқий давоми бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида фуқаролар йиғинлари фаолиятига берилган юксак баҳога ҳақли равишда Андижон вилояти маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам мансубдир.

ХУЛОСА

Фақат мустақиллик даврига келибгина маҳалла ўзининг қадимий мавқеига эриша бошлади. Шу билан бирга, фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришининг қонуний мақомини мустаҳкамлаш, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади.

Мустақиллик даврида Андижон вилоятидаги 866 та маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборини қайтадан мустаҳкамлади.

Мустақиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчадан аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомига эришиб, у ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъана ва урф одатлар бирлиги, инсоний, хўжалик, ҳуқуқий, муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда ўзаро ижтимоий муносабатларни боғлаб туриш воситасига айланди.

Андижон қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий ҳокимият органлари ваколатида бўлган 30 дан ортиқ вазифаларни бажармоқда. Хусусан, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ижтимоий инфратузилмани шакллантириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоялаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ ҳудуднинг долзарб масалаларини ҳал қиляпти.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими негизида “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат маркази”, “Маҳалла уста ҳунарманди” шўба корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли ўртасида маънавий, тиббий, ҳуқуқий тарбияни кучайтиришда “Бир зиёли беш оилага маънавий ҳомий” маърифатпарварлик ҳаракати борасида муайян тажриба тўпланди.

“Маҳалла хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими томонидан “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмини кучайтириш юзасидан чоратадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди”. Режага биноан “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик жамоат кенгашлари тузилди ҳамда “Оталар мажлиси”ни ўтказиш тартиби ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Вилоятда “Оила, маҳалла, мактаб” таянч марказлари ташкил этилди.

Вилоятдаги маҳаллалар томонидан оилаларнинг ижтимоий-маънавий аҳолини ўрганиш орқали кам таъминланган, тиббий ёрдамга муҳтож хонадонлар аниқланиб, уларни соғломлаштириш бўйича моддий қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилмоқда. Маҳалла тобора турли хил ижтимоий-иқтисодий тусга эга бўлган масалаларни ҳал этадиган марказга айланди.

Ўтган йилларнинг инсон, оила, маҳалла манфаатлари, юрт тинчлиги, мамлакатимиз тараққиёти, халқ фаровонлигини кўзлаб Президентимиз томонидан ўзаро узвий ва мантқан узок йилларга мўлжалланган боғлиқ бўлган “Инсон манфаатлари йили”, “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”, “Обод маҳалла йили”, “Меҳр-мурувват йили”, “Обод турмуш йили” йилларида қабул қилинган вилоят дастурларининг ижросида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими ва ҚФЙ, МФЙ лари фаол ишгирок этиб келмоқда.

Ўз навбатида ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллаларда миллий ва маънавий кадрларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалштириш, маданий ва маърифий ишларни изчил йўлга қўйиш бўйича жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг қамровли иш олиб бордилар.

Бугунги кунда вилоятдаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти сифатида жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга шахсий даҳлдорлик муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008
4. Каримов И. А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т. Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А.. Хавсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6.Т., Ўзбекистон. 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч –қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004.
9. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи 2010 йил 28 январь сони.
10. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
11. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 8 – том.
12. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
13. Каримов И.А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Т.: Узбекистан, 1995.
14. Каримов И.А.. Ҳаётимизнинг, тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси // Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 11-том.
15. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Узбекистан

Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // www.lex.uz.

16. Каримов И.А. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш — давр талаби. 2004 й. 21 июнь // www.press-service.uz.

II. Маҳалла институтига доир қонунлар, қарорлар ва фармонлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 й. 13 апрелдаги "Она ва боласаломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори // www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 й. 10-октябрдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2050 сонли Қарори // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири) // www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслахатчилари тўғрисида" ги Қонуни (янги таҳрири) // www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси" нинг веб-сайти - www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонуни // "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси" нинг веб-сайти - www.lex.uz.
7. "Обод маҳалла йили" Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 7 февралдаги Қарорига илова // www.lex.uz; Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида (янги таҳрири)"ги Қонуни // www.lex.uz.
8. "Мустақам оила йили" Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 й. 27 февралдаги Қарорига илова // www.lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва

Низом // www.lex.uz.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 й. 30 сентябрдаги 267-сонли Қарори билан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши тўғрисида"ги Низом // www.lex.uz.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 й. 7 октябрдаги 274-сонли Қарори билан тасдиқланган "Фуқаролар йиғинининг маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси тўғрисида"ги Намунавий Низом // www.lex.uz.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 й. 7 октябрдаги 274-сонли Қарори билан тасдиқланган "Фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси тўғрисида"ги Намунавий Низом // www.lex.uz.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 й. 7 октябрдаги 274-сонли Қарори билан тасдиқланган "Фуқаролар йиғинининг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси тўғрисида"ги Намунавий Низом // www.lex.uz.

III. Манба ва адабиётлар

1. Мамажонов М. Андijон viloyati aholisining ijtimoiy muhofaza qilishning geografik jihatlari. Geografiya fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun taqd. et. disser. avtoreferati. T.: 2004.
2. Гадоибоев А. Халқ йўли - ҳақ йўл. Т.: Янги аср авлоди, 2004;
3. Жалилов С. Тарихимиз – виждонимиз. Андijон. Хаёт, 2013.
4. Жалилов С. Юзта қишлоғу ўнта гузар таърифи (топономик маълумотлар). – Андijон. Андijон nashryot-matbaа MCHJ, 2011
5. Жалилов С., Шокаримов С. Андijон. (Маълумотнома, ўзбек, рус т.). – Андijон, 1993.
6. Иброҳимов А. Султонов Ҳ. Жўраев Н. Ватан туйғуси. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996;
7. Комил Яшин. Ёднома. – Тошкент, 1989.
8. Қосимов Б., Йўлчиева Т., Алимова Г. Маҳаллаларда тўй-ҳашамлар ва маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар. — Тошкент: Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси, 2008. — 60 б.
9. Лутфуллаева И., Хонкулова Н. Маҳаллада ижтимоий тарбия ва уни барқарорлаштириш йўллари. — Тошкент, 2011. — 68 б.

10. Маҳалла фуқаролар йиғини тизимининг намунавий тузулмаси ва иш юритиш услублари. — Тошкент, 2007. — 112 б.
11. Мусурмонова О. Маънавий кадрятлар ва ёшлар тарбияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996;
12. Насруллаев И. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболлари // Инсон ҳуқуқла-ри. — Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқдари. — 2012. - №2. - Б.70-78.
13. Нафасов Т. Қарши шаҳри маҳалла ва кўча номлари. — Тошкент: "Маънавият", 2008. — 168 б.
14. Нишонова С. Маънавият дасрлари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1994;
15. Овчинников И.И. Местное самоуправление в системе народовластия. М., 1999.
16. Туленов Ж., Гофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- 253 б.
17. Хамидов Х. Ўзбек аъанавий кўшиқчилик ва ёшлар тарбияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996;
18. Шамсугдинов Р., Юсупов Э. Истиқлол ва тараққиёт йўлидан.-Андижон, 1993;
19. Шамсугдинов Р.Т., Исҳоқов А.А. Андижон тарихидан лавҳалар.-Т.: Sharq, 2013.

IV. Мақолалар

1. Mamajonov M. Iqtisodiy va ijtimoiy sohalarini rivojlantirish orqali aholini ijtimoiy muhofaza qilish muammolari (Andijon viloyati misolida). II ILMIY XABARNOMA. Andijon davlat universiteti 3/2013.
2. Абдуллаев Ж., Мирзараимов Б. Маҳалла фаол фуқаролик позициясини шакллантирувчи маскани // Фуқаролик жамияти — Гражданское общество - Civilsociety. - 2008. - №4. - Б.39-41.
3. Аҳмедов А. Маҳалла — фуқаролик жамияти-нинг муҳим асоси // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. — 2013. — №1. — Б.13-17.
4. Билолхўжаева Ш. Фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси — ўзини ўзи бошқариш органининг муҳим бўғини // Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society. - 2010. - №4. - Б.26-30.
5. Бўриев О., Искандаров Ш. Маҳалла — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлан-тириш маскани // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. - 2011. - №2. - Б.24-28.
6. Демократик тамойиллар устуворлик касб этди // Маҳалла. — 2013. — 18 декабрь.

7. Замонавий маҳаллани ташкил этиш — фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шarti // Маҳалла. — 2013. — 18 декабрь.
8. Йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари вазифаларига муносиб номзодларни сайлашда фуқаролар фаоллиги ортмоқда // Маҳалла. — 2013. — 11 декабрь.
9. Исмаилова Г. Узбекистан Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги-нинг истиқболли йўналишларига доир // Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society. - 2012. - №1. - Б.19-21.
10. Исмоилова Г. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сиёсий майдонда // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. — 2011.
11. Маҳалла — жамиятимиз таянчи ва ҳаётимиз кўзгуси. 2011 й. 26 декабрь // Узбекистан Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)нинг веб-сайти — www.uza.uz;
12. Маҳалла институти мавқеини янада ошириш йўлида. 2011 й. 15 декабрь // www.uza.uz.
13. Мухаммедов И. Маҳалла — жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришининг муҳим воситаси // Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society. - 2011. - №1. - Б.21-23.

V. Газета ва журналлар

1. Фуқаролик жамияти, 2012-2013.
2. Ижтимоий фикр, 2011-2013.
3. Маҳалла, 2000-2013.
4. Андижоннома, 1993-2014.
5. Андижанская правда, 1993-2014.
6. Iqbol, 2000-2013.

VI. Архив хужжатлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Архиви, Андижон вилоят бўлими, 4141-фонд
2. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими жорий архив материаллари.